



**А**ллоҳ таолога энг суюкли ишлардан бири ота-онага итоат этиш, уларга меҳр-шафқатли бўлишдир.

# ОТА-ОНА МЕҲМОНДИР

«Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки) “Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтиш Менинг хузуримгадир» (Луқмон, 14).

Ота-она олдида секин, паст овозда, одоб билан сўзлаш керак. Заруратдан ортиқча гап айтилмайди. Уларнинг исмларини айтиб чақириш мумкин эмас. Қўполлик билан кўнгилларини оғритиш, назарларидан қолиш катта гуноҳлардан саналади. Кўча-кўйда ота-онадан илгари юриш, овқатга улардан олдин қўл узатиш, олдиларида ёнбошлаб олиш одобсизликдир.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди.** (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси хузурингга кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода): “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!” де» (Исро, 23–24).

Демак, ота-она қариллик ёшига етганида уларга янада шафқатли бўлиш зарур. Кексаларнинг кўнгли худди боланикидай бўлиб қолади. Бундай ҳолатларда имкон борича уларнинг кўнглини оғритмасдан хохишларини бажариш, панд-насихат қилишса, асло малол олмаслик керак.

Қайси хонадонда ота-она ёки улардан бири тирик бўлса, ўша оиладаги фарзандлар бахтлидир. Чунки уларда кўпроқ савобга эришиб қолиш имконияти бор. Ота-онани тириклигида қадрига етиб, иззат-хурматини жойига қўйганга нима етсин.

Умуман, кексаларимиз борлиги бизнинг катта давлатимиз. Улар гўё уйларимизнинг

фаришталари. Кўпни кўрган бува-бувилар ёш оилалар учун ибрат мактаби. Улар набираларининг таълим-тарбиясини, одоб-ахлоқини назорат қилиб, ҳаётий тажрибалари асосида тўғри йўл кўрсатади.

Ота-она вафот этганидан кейин ҳам уларнинг фарзандлар устидаги ҳақлари тугамайди. Васиятларини адо этиш, ҳақларига доим дуода бўлиш фарзандлар бурчидир. Уларнинг қариндошлик алоқаларини давом эттириш, таниган-билган тенгқурларини йўқлаш, меҳмонга чақириш нур устига нур бўлади.

Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломати бўлсин) хузурларига бир киши келиб: “Ё Расулulloҳ вафотларидан кейин ҳам ота-онамга яхшилик қила оламанми?” деб сўради. У зот (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломати бўлсин): “Ҳа, тўрт иш бор, уларни бажарсанг, ота-онангга яхшилик қилган бўласан: улар ҳаққига дуо қилиш, гуноҳларини кечишини Аллоҳдан сўраш, уларнинг насихат ва шаръий васиятларини бажариш, дўст-биродарларини иззат-икром қилиш ва ота-она тарафидан бўладиган қариндошликни давом эттириш”, деб жавоб бердилар (*Имом Бухорий ривояти*).

Халқ орасида, ота-она меҳмондир, деган ибратли сўз бор. Вақт ғанимат, азиз меҳмонларингизнинг яхши дуоларини олиб қолишга улгуринг. Уларга нима қилсангиз, эртага фарзандингиздан қайтади. Бу ҳақиқатга ҳаётда кўп гувоҳ бўлганмиз...

**Фазлиддин МУСАХОВ,**  
Оҳангарон туманидаги “Қурайи” жоме масжиди имом-хатиби



## ЁЛҒОННИНГ ҲАЗИЛИ БЎЛМАЙДИ

Бир оғайним айтиб қолди: Танишларимдан бири телефонда ташвишли хабар айтди. Бу хабардан аёлим ҳам ғамга ботди. Кўп вақт ўтмай, яна кўнғироқ қилди, ҳали айтган совуқ гапим ҳазил, биринчи апрел муносабати билан ёлғон гапирувдим, деди. Мен эсанкираб қолдим. Шунақа ҳам ҳазил қиладим, деб ғазабландим.

Ёлғончилик жуда ёмон хулқ, у инсонни дўстларидан узоқлаштиради. Исломи динида истисноли ўринлардан бошқа пайтда ёлғон гапиришга мутлақо рухсат берилмаган. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) одамларни кулдириш мақсадида ёлғон гапиришдан ҳам қайтарганлар: “Гапириб қавми кулдириш учун ёлғон гапирадиган кимсага ҳалокат бўлсин, ҳалокат бўлсин, ҳалокат бўлсин...” (Имом Абу Довуд, Термизий, Насоий ривояти). Бошқа бир ҳадисларида: “Банда ростгўй бўлса ҳам, мазах ва жанжалда ҳам ёлғонни тарк қилмагунича комил мўмин бўлолмайди”, деганлар (Имом Аҳмад, Табароний).

Абдурраҳмон ибн Абу Лайлодан ривоят қилинади: Саҳобалар бизга гапириб беришди: Улар Набий (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) билан йўлга чиққанларида, йўлда бир киши ухлаб қолди. Бошқалар ухлаб қолган кишининг арқонини (ҳазиллашиб) олиб қўйишганида, у кўрқиб кетди. Шунда Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Мусулмонга мусулмонни кўрқитиш ҳалол эмас”, дедилар (Имом Абу Довуд).

Абдуллох ибн Соиб ибн Язиддан қилган ривоятда: Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Ҳеч бирингиз биродарининг буюмини ҳазиллашиб ҳам, чиндан ҳам олиб қўймасин”, деганлар, (Имом Термизий ривояти).

Сизни тинглаган, ишонч билдирган кишини алдаш хиёнатдир. Ҳадисда: “Биродарингиз гапингизга ишониб турганида, сиз уни гапингиз билан алдашингиз қандай катта хиёнатдир”, дейилган. (Имом Аҳмад ва Табароний ривояти).

Кўпинча ҳазиллар, ёлғонлар сабабли кўнғилхиралик юз бериб, ҳатто оилалар ўртасига совуқчилик тушиши мумкин. Бундай иллатлардан йироқ бўлайлик.

**Қудратуллох СИДДИҚМЕТОВ,**

Қўқалдош мадрасаси мударрисси,  
“Аҳмаджон қори” жоме масжиди имом-хатиби

### «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

### Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

### Бош муҳаррир

Нуруллох МУҲАММАД РАУФХОН

### Таҳрир хайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Анвар ТУРСУН  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Абдулҳамид ТУРСУН  
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Исомиддин ОЛИМОВ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Мухтарама УЛУҒОВА

### Муқова

«Voris Design» маркази билан  
хамкорликда тайёрланди.

### Бадий муҳаррир

Хайруллох ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли

### Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

### Матни

Раҳима КАРИМЖОН кизи  
терди.

### Манзилмиз

100002, Тошкент шаҳри  
Заркайнар 18-берк кўча 47<sup>а</sup>-уй;  
Тел: 240-05-19, 227-34-30.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтамыз: [m-nashr@yandex.ru](mailto:m-nashr@yandex.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2012 йил 24 апрелда рухсат берилди.  
Босмахонага 2012 йил 25 апрелда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x841/8. Адади 49.500 нусха.  
2282-сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компаниясида босилди. Тош-  
кент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

### Қўлёзмалар қайтарилмайдди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан  
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос ва  
рақамлар учун муаллиф масъул. Хат юборилгани-  
да исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар  
кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»дан  
олингани кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Яхшиликка чақирини</b>	
Фазлиддин МУСАХОВ	
Ота-она меҳмондир .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Қудратуллоҳ СИДДИҚМЕТОВ	
Ёлғоннинг ҳазили бўлмайди .....	2
<b>Идора ҳаёти</b>	
Ибодулло АҲРОРОВ	
Саудияга сафар. Меҳмонларимиз .....	4
<b>Яхшиликка чақирини</b>	
Зиёдулло РҶЗИҚУЛОВ	
Қалб таскини .....	6
<b>Диний идорамизнинг 70 йиллиги</b>	
Икром МАРДОНОВ	
Хуқуқий билимлар ҳаммага фойдали .....	7
<b>Мунаввар олам</b>	
“Оилада фарзанд тарбияси” .....	8
<b>Санъат</b>	
Навийни севган хаттот .....	9
<b>Бугуннинг гапи</b>	
Осмондан туширилган, лекин ўлчовли... ..	12
<b>Журналхон илҳами</b>	
Сувни кадрланг. Илтижо .....	13
<b>Халқона ўғитлар</b>	
Момоларимиз айтади...	
Ҳасанхон АБДУМАЖИДОВ	
Ҳаётимиз муҳофазаси .....	15
<b>Олисларга саёҳат</b>	
Танзания Бирлашган Республикаси .....	16
<b>Тарбия</b>	
Фарзандингизга дўст бўлинг .....	18
<b>Адабий таҳлил</b>	
Обидхон ИКРОМОВ	
Зарбулмасал санъати .....	19
<b>Хотира</b>	
Амирсаидхон УСМОНХҲҲАЕВ	
Шамсиддинхон Бобохонов ибрати .....	22
<b>Шеърят</b>	
Эргаш ИБРОҲИМОВ	
Баҳор. Тўртликлар. Соғинч	
Абдувоҳид ҲОЗОВ	
Ризо истаб келдим.	
Ватан недир. Онажоним.....	24
<b>Долзарб мавзу</b>	
Бахтиёр КАРИМОВ	
Маънавий таҳдидлар ва миссионерлик .....	26
<b>Исломуламолари</b>	
Бобур ТОШПҲЛАТОВ	
Имом Нававий .....	27
<b>Маълумотхона</b>	
Абдумалик ТҲҲЧИБОЕВ	
“Ал-мабсут” – фикх комуси .....	28
<b>Маишур аёллар</b>	
Жаҳон Оро бегим .....	29
<b>Маишур кутубхоналар</b>	
Британия кутубхонаси .....	30
<b>Байналмилал маданият маркази 20 ёшда</b>	
Насриддин МУҲАММАДИЕВ	
Аҳилликда ҳикмат кўп .....	31
<b>Кўрик-танлов</b>	
Ғолибларни қутлаймиз .....	32

## Ҳадис шарҳи

Одилхон ИСМОИЛОВ

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ

(алайҳиссалом)

## СУЙҒАН ИШ

4

“Мен Ойшадан <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup>: “Набий <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> уйга кирсалар, ишни нимадан бошлар эдилар?” деб сўраганимда, “Мисвок (ишлатиш) билан”, деб жавоб бердилар” (Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад). Бу ривоятдан мисвок ишлатиш фақат таҳорат ва намоз вақтига боғлиқ эмаслигини билиб оламиз. Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> оила аъзоларига чиройли суратда юзланиш учун уйга киришлари билан мисвок қилганлар.

## Мазҳабимизни ўрганамиз

Алоуддин КОСОНИЙ

## ҒУСЛ ҲУҚМЛАРИ

Ғуслда баданнинг ичкарасидан ҳисобланган оғиз-бурунни чайқаш фарз. Демак, бутун баданга сув етказиш ва оғизни чайиш, бурунни ачиштириб чайқаш фарз бўлди. Агар оғиз ва бурун чайқалмаса, бутун бадан неча марта ювилса ҳам, ғусл адо бўлмайди.

10

## Масала

## СҲРАҒАН ЭДИНГИЗ

Қиблага қараб ўтирган ё турган кишининг ортида намоз ўқиса бўлади. Аммо намозхонга юзланиб турган ёки уни ибодатдан чалғитадиган даражада баланд овоз билан гаплашаётганлар ёнида, қибла тарафида ухлаб ётган киши қаршисида ўқиш макруҳдир (“Шарҳи Аврод”).

14

## Хабарлар

## “ЗАЙТУНА” ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

Туниснинг минг йиллик тарихга эга “Зайтуна” Исломуниверситети салкам эллик йилдан сўнг қайтадан иш бошлади. У ўтмишда Миср Араб Республикасининг “Ал-Азҳар” халқаро Исломуниверситети даражасидаги билим ўчоғи эди. Бу даргоҳда Ислому тарихи, фикҳ, ақоид, тафсир, араб тили грамматикаси ва тиббиёт фанларидан чуқур сабоқ берилган. Университет айрим сабабларга кўра, 1964 йили ёпилган эди.

21

# ПАЙҒАМБАРИМИЗ (алайҳиссалом) СУЙГАН ИШ

**А**бдуллоҳ ибн Амр <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилади: Расулуллоҳ <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: “Агар умматимга қийин қилиб қўй(ишни ўйла)маганимда, уларни саҳарларда, албатта, мисвок қилишга буюрган бўлардим!” дедилар (Абу Нуайм). “Худди котиб қулозига қалам қистирганидек, Набий <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> ҳам қулоқларига мисвок қистириб олар эдилар” (Байҳақий).

Расулуллоҳдан <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> ўрнак олиб, саҳобалар ҳам мисвок тутишга катта эътибор беришган. Миқдом ибн Шурайх ибн Ҳоний Ҳорисий отасидан ривоят қилади: “Мен Ойшадан <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup>: “Набий <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> уйга кирсалар, ишни нимадан бошлар эдилар?” деб сўраганимда, “Мисвок (ишлатиш) билан”, деб жавоб бердилар” (Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад). Бу ривоятдан мисвок ишлатиш фақат таҳорат ва намоз вақтига боғлиқ эмаслигини биллиб оламиз. Расулуллоҳ <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> оила аъзоларига чиройли суратда юзланиш учун уйга киришлари билан мисвок қилганлар. Аллома Муновий бунга қуйидагича далил келтиради: “Муслмон киши уйга кирганида аҳлига салом бериши керак. Саломда Аллоҳнинг исми бор. Аллоҳнинг исми эса фақат пок оғиз билан айтилади”.

Зайд ибн Холид Жуханий <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилади: “Расулуллоҳ <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> мисвок қилмасдан туриб, намоз ўқиш учун ташқарига (яъни, масжидга) чиқмасдилар” (Табароний). Баъзи уламолар ушбу хадисни далил қилиб: “Уйда ёки масжидга кирмасдан олдин мисвок қилиб олингани маъқул”, дейишган.

Тунги уйқудан таҳажжуд ёки бомдод намозларига турилганида мисвок қилиш Расулуллоҳ <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> суннатларига мувофиқдир. Гарчи хадисда тунги уйқу назарда тутилган бўлса-да, умуман, кундузги уйқудан кейин ҳам мисвок қилиш яхшидир.

Ойша <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> айтади: “У зотнинг таҳорат суви ва мисвоклари тайёрлаб қўйилар эди. Тунда уйқудан уйғонганларида, олдин хожатга бориб, сўнгра мисвок ишлатар эдилар” (Абу Довуд).

Жума куни мисвок ишлатиш ҳақида ҳам алоҳида таъкидланган. Чунки бу куни мўмин-муслмонлар жума намозини ўқиш учун масжидга тўпланишади.

Ибн Умар <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилади: “Расулуллоҳ <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> мисвокни ёнларига ҳозирлаб қўйган холда ухлардилар.

Уйқудан уйғонганларида ишни мисвок қилишдан бошлар эдилар” (Аҳмад, Абу Яъло ва Табароний).

Расулуллоҳ <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> эртаю кеч жиддий аҳамият берган нарсага бизлар ҳам эътибор қаратишимиз зарур. Бу эса ўз ўрнида тишларни тоза тутиш ўта фазилатли амал эканига ишорадир.

**ОДИЛҲОН ИСМОЙЛОВ,**


Тошкент шаҳри “Шайх Зайниддин” жоме масжиди имом-хатиби





## Саудияга сафар

Шу йил 24–31 март кунлари Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ҳаж ишлари вазирлиги таклифига биноан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, раис



ўринбосари Айдарбек Тулепов, фатво бўлими бошлиғи Абдулҳамид Турсунов, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ортиқбек Юсупов Саудия Арабистонида хизмат сафарида бўлишди.

Вакилларимиз ҳаж назорати ва унга тобе муассасалар, ширкатлар билан 2012 йилги ҳаж мавсумига доир шартнома ва битимлар тузиш мақсадида Бирлашган вакилликлар миллий муассасасининг Мадина шаҳридаги шўба ҳайъати аъзолари билан, Ҳаж ишлари ва-

зири Бандар ибн Муҳаммад Ҳажжор билан, Бирлашган вакилликлар уюшмаси раҳбари Форук Солиҳ Абу Зайд бошлиқ ҳайъат аъзолари билан, Туркия, Оврупа, Америка ва Австралия ҳожиларига хизмат кўрсатувчи миллий муассаса ҳайъати аъзолари билан учрашишди. Макка шаҳри транспорт хизмати касба уюшмаси аъзолари билан ҳам шартномалар имзоланди. Шунингдек, вакилларимиз бу йилги ҳаж мавсумида ҳожиларимиз яшаши учун ижарага олинган меҳмонхоналар шароитлари билан танишишди, таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Ибодулло АХРОРОВ

## МЕҲМОНЛАРИМИЗ

Шу йил 4 апрел куни Сингапур Республикаси ташқи ишлар вазири Масагос Зулкифл бошлиқ меҳмонлар Сингапур Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси Зулкифлий Баҳаруддин ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги ходими Нуриддин Убайдуллаев ҳамроҳлигида “Ҳазрати Имом” мажмуасига келишди. Меҳмонлар мажмуадаги тарихий ёдгорликларини томоша қилишди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган ҳазрат Усмон Мусҳафи ва бошқа нодир кўлэмалар тарихи билан танишишди. Сингапур Республикаси ташқи ишлар вазири Масагос Зулкифл кутубхонага Сингапурда нашр қилинган Қуръони каримнинг митти нусхаси ва эсдалик совғасини топширди.

\* \* \*

5 апрел куни Кипр Республикаси ташқи ишлари вазири Эрато Козак Маркулис хоним бошлиқ меҳмонлар “Ҳазрати Имом” мажмуасига келишди. Меҳмонлар “Ҳазрати Имом” мажмуасидаги тарихий обидаларни, янги бунёд этилган биноларни томоша қилишди. Кипрлик меҳмонлар “Бароқхон” мадрасасида халқ амалий санъати намуналари билан танишишди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган ҳазрат Усмон Мусҳафини зиёрат қилишди. Кипр ташқи ишлар вазири Эрато Козак Маркулис хоним таассуротлари ҳақида, жумладан, бун-

дай деди: “Юртингизга келишимдан олдин бу диёр ҳақида оз нарса билар эдим. Энди ўша билганларим катта денгиздан қатра эканига амин бўлдим. Чиндан ҳам Ўзбекистон қадимий Тошкент, кўхна Самарқанду Бухоро, Хива каби бой тарихга эга шаҳарлари билан гўзал ва обод экан. Юртимга қайтгач, ватандошларимга албатта бу диёрни зиёрат қилиш кераклигини таъкидлайман”.

Мухбиримиз



**И**стиғфор банданинг Яратганга илтижо қилиб, билиб-билмай қилган гуноҳларини кечирishiни сўрашидир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “Бас, дедимки: “Раббингиздан мағфират сўрангиз! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир. (Шунда, яъни истиғфор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдирур, сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (барпо) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур” (Нух, 10–12).

## ҚАЛБ ТАСКИНИ

Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) олдинги ва кейинги гуноҳлари кечирилган бўлса-да, истиғфор айтишни сира канда қилмаганлар. Ибн Умардан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: “Расулulloҳнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бир мажлисида юз марта: “Раббим, мени мағфират қил, тавбамни қабул эт. Ҳақиқатда сен тавбаларни қабул этгувчи раҳмли Зотсан”, деганларини санадик” (Абу Довуд ва Термизий).

Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бир ҳадиси шарифда бундай деганлар: “Ким истиғфорни кўп айтса, Аллоҳ таоло ун-

га ҳар бир тангликдан чиқиш йўлини очади, ҳар турли ғамдан енгиллик, ҳеч бир ўйламаган томонидан ризқ беради” (Абу Довуд ривояти).

Истиғфор чин дилдан айтилиши керак. Ҳазрат Али (Аллоҳ ундан рози бўлсин) бир куни масжидда ўтириб, ўзича баъзи сўзларни шошапиша айтаётган кишини кўриб қолдилар ва сўрадилар:

– Эй биродар, нималар деяпсиз?

– Истиғфор айтяпман, – деди у.

Шунда ҳазрат Али (Аллоҳ ундан рози бўлсин):

– Сиз айтаётган истиғфордан истиғфор қилиш керак – деб айтдилар.

Ҳадиси шарифларда айтилганидек, бандасининг бир ёмон иш қилиб, кейин пушаймон бўлиб, истиғфор айтишидан Аллоҳ таоло севинади. Тавба қабул бўлишининг шартси эса кейин ўша хатога, гуноҳ ишга қайтмасликдир.

Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) умматларига кўп-кўп истиғфор айтишни тавсия қилганлар. Жумладан, “Сайи-

дул истиғфор” дуоси ҳақида бундай деганлар: «Ким “Саййидул истиғфор”ни кечки пайт айтиб, шу куни вафот этса, жаннатга киради. Ким тонгда айтиб, шу куни вафот этса, унда ҳам жаннатга киради».

Бу дуо куйидагича: «Ё Аллоҳ, Сен Парвардигоримсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Мени яратдинг ва мен Сенинг қулингман. Мен Сенга берган ваъдамда ва Сенга берган аҳдимда қодир бўлганимча турибман. Сендан қилган ишларимнинг ёмонлигидан мени асрашингни сўрайман. Менга ато қилган неъматларингга икром бўлдим. Ва гуноҳларимга ҳам икром бўлдим. Менинг гуноҳларимни кечир. Чунки Сендан бошқаси гуноҳларимни кечира олмайди» (Имом Бухорий ривояти).

Истиғфор айтиш билан банда Яратганга яқин бўлади ва кўп марҳаматларга эришади. Самимий айтилган истиғфор билан қалб таскин топади.

**Зиёдулло РЎЗИҚУЛОВ,**  
Денов тумани “Абу Ҳанифа”  
жоме масжиди имом-хатиби



# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ҲАММАГА ФОЙДАЛИ

**И**стиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ жамият ҳаётини барқарор изга солиш, бошқарувни демократлаштиришга йўналтирилган ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Кўҳна тарих олдида қисқа бўлган бу даврда амалга оширилган эзгу ишлар, давлат ва жамият ҳаётидаги муваффақиятларнинг қай бирини олмайлик, уларнинг манбаи, кафолати юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик эканига амин бўламиз.

Мустақиллик туфайли Диний жамоалар, ташкилотларга қонун доирасида очик иш юритиш имконига эга бўлди. Фуқароларимизга диний таълим олиш, хайрия ишларини олиб бориш, зиёратлар ташкил этиш, турли динлар, конфессиялар орасида мулоқот ўрнатишда тенг ҳуқуқлар берилди. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, эътиқод эркинлиги кафолатланди. Ушбу қонун ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод масаласида фуқароларнинг тенглигини таъминлайди, шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси дёримиз мусулмонларини бирлаштирувчи, маънавий раҳбарлик ва ҳомийлик қилувчи марказий диний ташкилот ҳисобланади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Куръони карим, ҳадиси шариф, ҳанафий мазҳабимиз ҳукмлари асосида фаолият олиб боради, мамлакатимиздаги бағрикенгликни қўллаб-қувватлайди.

Диний идорамиз тизимида ходимлар ва талабаларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга катта эътибор берилляпти. Мухтарам Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Имом Бухорий” Халқаро марказида диний идора тизимидаги ташкилотлар, яъни масжидлар имом-хатибларининг 914 нафари билим ва касб малакаларини оширишди.

Тўққиз ҳафталик ўқув жараёнида имомларимиз йигирма соатдан ортиқ дарс жараёнларида Ўзбекистон Конституциясини, Қонун ва фармонларни ўрганишади, ҳуқуқий билим малакаларини оширишади. Жумладан, ўқув машғулотларида имом-хатиблар “Ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг виждон эркинлиги кафолатланиши”, “Ўзбекистонда диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартиби”, “Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти вазибалари”, “Инсон ҳуқуқ ва манфатларини қонуний ҳимоя қилиш тартиби”, “Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари” каби мавзуларда маърузалар тинглашади. Шунингдек, масжидларда иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш борасида мукамал маълумотга эга бўлишади. Ўқув жараёни охирида фанлар бўйича мутахассислар имтиҳонидан ўтишади. 2011 йили масжидларда иш юритиш бўйича махсус қўлланма нашр этилиб, барча масжидларга берилди. Жорий йилдан бошлаб Юртбошимизнинг “Истеъдод” жамғармаси масофали ўқитиш марказида “Таълим муассасалари бошқаруви” курси бўйича диний билим юртлари раҳбарларининг малака ошириши йўлга қўйилди.

Диний илм масканларида ижтимоий фанлар қатори ҳуқуқшунослик фани ҳам ўқитилади. Жумладан, Тошкент Ислон институтининг ўқув дастурида 114 соат дарс



Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга ажратилган. Ислом ҳукуқи, хусусан, фикҳни ўрганишга 408, ақоид, фароиз каби фанларга 749 соат дарс ажратилган. Ислом ўрта махсус билим юртларида ушбу фанларни ўрганиш учун салкам 740 соат ажратилган. Буларнинг барчаси талабаларнинг, яъни бўлғуси имом-хатиб ва мударрисларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган эътибор натижасидир. Вазирлар Маҳкамасининг “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги қарори билан 2003 йилдан бошлаб Ислом институти ва ўрта махсус билим юртлари битирувчиларининг дипломлари давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилиб, уларга олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилди.

Юртимизда шаръий никоҳ ўқилишини расмий имомлар амалга оширишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари” ҳақида Фатво (1996 йил 9 июн) қабул қилган. Ноқонуний тарзда шаръий никоҳ ўқилиши олдини олиш ва оталикни белгилашда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2007 йил 24 апрелдан махсус никоҳнома қоғозини амалга киритди.

Барча масжидларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси буйруғи асосида ишлаб келаётган имом-хатиблар, уларнинг ноиблари билан идора ўртасида меҳнат қонунчилигида белгиланган намунада меҳнат шартномалари тузилган, меҳнат дафтарчаларини юритиш йўлга қўйилган. Масжидларнинг республика миқёсида бир хил намунада ҳисобот бериши жорий этилди. Ҳисоботларнинг тўғри ва ўз вақтида топширилишини идоранинг тафтиш хайъати назорат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин, динлар аро ва миллатлар аро бирлик ҳамда фуқаролар виждон ва эътиқод эркинлиги таъминланган шароитда диний идорамиз ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини қуриш, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолининг маънавий дунёсини бойитиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

**Икром МАРДОНОВ,**

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳуқуқшуноси*

## “ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ”

Ота-она фарзандларига қолдирадиган энг яхши мерос бу чиройли хулқдир. Чунки фарзанд ота-онасининг мол-давлати билан бахтли бўлмаслиги мумкин, лекин улардан яхши тарбия кўриб, гўзал одобларни ўрганса, ҳар қандай ҳолатда тўғри йўл тутиб, ўзини бахтиёр ҳис қила олади. Ҳурмат-эътибор қозониб, муносиб ўрнини топади, охиратда эса юксак даражаларга кўтарилади, Аллоҳ таоло розилигига эришади. Бунинг учун ҳар бир ота-она, мураббий динимизнинг шу тўғридаги кўрсатмаларига риоя этиши керак.



Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг “Мовароуннаҳр” нашриёти чоп эттирган “Оилада фарзанд тарбияси” туркумидан иккинчи китоби бу борада жуда зарур ва фойдали қўлланмадир. 240 саҳифали китобда болалар тарбиясининг энг муҳим ва нозик жихатлари, уларни турли зарарли одатлардан ҳимоя қилиш йўллари оятлар, ҳадислар асосида баён қилинган.

**Жамшид ШОДИЕВ**  
*тайёрлади.*



Ноёб мерос сифатида бизга етиб келган кўлёмаларни ўрганар эканмиз, ўтмишда кўп улуғ хаттотлар ўтганини кўрамиз. Уларнинг машаққатли меҳнати туфайли турли асарларнинг кўлёмза нусхалари юзага келган. Шарқ олим ва шоирларининг асарларини ардоқлаган ва улардан нусхалар кўчирган ана шундай ажойиб хаттотлардан бири Муҳаммад Юнус котиб эди.



## НАВОЙНИ СЕВГАН ХАТТОТ

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарларини Тошкентда ҳам асрлар оша жуда кўп хаттотлар кўп нусхаларда кўчиришган. Улар орасида атоқли хаттот Муҳаммад Юнус котиб кўчирган кўлёмза нусхалар алоҳида ажралиб туради. Муҳаммад Юнус котибнинг отаси Муҳаммад Бобожон ва ўғли Муҳаммад Яхё ҳам хаттот бўлган. Асли шахрисабзлик хаттот Тошкентга келиб, Қашқар маҳалласида бир неча йил истиқомат қилади. Муҳаммад Юнус котиб насх, настаълиқ ва шикаста хатларини ёзишга моҳир эди. У араб ва форс тилларини яхши билган. Муҳаммад Юнус котиб Алишер Навоийнинг машҳур “Хамса”, “Маҳбубул қулуб”, “Лисонут тайр”, “Мажолисун нафис”, “Ғаройибус сиғар” ва бошқа асарларидан бир неча нусхалар кўчирган. Муҳаммад Юнус Тошкентда кўчирган “Хамса”нинг икки нусхаси диққатга сазовордир.

Улардан бири 1861–1863 йиллар орасида китобат қилинган. “Хамса”га киритилган ҳар бир дostonнинг охирида мазкур нусхани Тошкент шаҳрида шахрисабзлик Муҳаммад Юнус котиб кўчиргани кўрсатиб ўтилган.

Ушбу нусхага Муҳаммад Юнус котиб Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулуб”, “Лисонут тайр” асарларини ҳам киритади. “Лисонут тайр” асари сўнгида эса: “Бу муаззам ва мукаррам нусха Навоий ва Фоний тахаллусли ҳазрат Амир Алишернинг “Лисонут тайр”

асари, 1280/1863 йили Тошкентда фақир ва ҳақир Муҳаммад Юнус валади Муҳаммад Бобожон Шаҳрисабзий кўлида таҳрир топди”, деб қайд этади.

Иккинчи нусха 1872–1873 йили кўчирилган бўлиб, асар бошланишида икки саҳифага бадий лавҳа ишланган. “Хамса”даги беш дostonнинг илк саҳифаларига ҳам алоҳида-алоҳида бадий лавҳалар чизилган. Асар ажойиб настаълиқ хати билан Қўқон қоғозига

кўчирилган. Ушбу нусха охирида ҳам: “Алишер Навоий ҳазратларининг муборак “Хамса” асари 1872–1873 йили фирдавсмонанд Тошкентнинг кошғарлик маҳалласида бу фақир шахрисабзлик Муҳаммад Юнус ибн мулла Бобожон кўлида анжомига етди”, деб битилган.

Кўлёмза асарларининг кўпида хаттотлар камтарлик қилиб ўз номларини келтиришмайди. Хаттотлар бу асарни ўқиган кишилардан, агар уни кўчириш асносида бирон-бир камчиликка йўл қўйган бўлишса, кечирिशларини сўраш билан сўзни тамомлашади. Шунинг учун кўп кўлёмза асарларни қайси шаҳарда, ким кўчирганини аниқлаш қийин.

Баъзи котиблар ўз номларини келтириш билан бирга кўлёмза қайси шаҳарда кўчирилганини ҳам кўрсатиб ўтади. Муҳаммад Юнус котиб кўчирган Алишер Навоий асарларининг ушбу нусхалари охирида келтирилган маълумотлардан уларнинг Тошкентда китобат қилингани аниқ кўриниб турибди. Ҳатто бу асарлар Тошкентнинг қайси маҳалласида кўчирилгани ҳам аниқ ёзилган. Муҳаммад Юнус котибнинг Алишер Навоий асарларидан меҳр билан кўчирган ноёб кўлёмза нусхалари ҳозир Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёмза асарлар хазинасида сақланмоқда.

*“Тошкент тарихида баъзи сиймолар” рисоласидан*  
**Неъматулло МУҲАМЕДОВ**  
*тайёрлади.*

Алоуддин КОСОНИЙ

# ДИН ҲУКМЛАРИНИ ТАРТИБЛАШДА ГЎЗАЛ САНЪАТЛАР

**Ғ**усл сўзи фуқаҳолар тилида баданни ювиш маъносидадир. Агар бутун баданга сув оқизилмаса, бадан ювилган ҳисобланмайди. Намлаш ёки хўллаш ювиш дегани эмас, ювишда сув бутун бадан бўйлаб оқиши керак. Ғуслнинг рукни сувни баданнинг ҳамма тарафига оқизиб етказишидир. Сувнинг бир марта етиши фарздир. Агар баданнинг озгина жойига, масалан, бирор тук тагига сув етмай қолса ҳам, ғусл қилинмаган бўлади. Демак, бутун баданга сув етказиб ювиш ғуслдир. Аллоҳ таоло: “Агар жунуб бўлсаларингиз, поклангингиз – чўмилингиз!” яъни, баданларингизни поклангиз, деган (Моида сураси, 6). “Баданларингизни поклангиз” буйруғи зоҳиру ботинни қамраб олади. Яъни, “бадан”нинг устини ҳам, ичини ҳам, хуллас, “қийналмай тозалаш мумкин бўлган ҳамма жойини тозалаш керак”, деганидир.

## ҒУСЛ ҲУКМЛАРИ ҲАҚИДА

Ғуслда баданнинг ичкарасидан ҳисобланган оғиз-бурунни чайқаш фарз. Демак, бутун баданга сув етказиш ва оғизни чайиш, бурунни ачиштириб чайқаш фарз бўлди. Агар оғиз ва бурун чайқалмаса, бутун бадан неча марта ювилса ҳам, ғусл адо бўлмайди. Оғиз ва бурунни чайқаш таҳоратда фарз эмас, суннат эди. Бунинг сабаби, оғиз ва бурунга сув етказиш қийинлигидан эмас, балки таҳоратда юзни ювиш фарз бўлгани учундир. Оғиз ва буруннинг кўз тушадиган ташқи томони юз ҳисобланса ҳам, ичи юз ҳисобланмайди. Аллоҳ таоло “ғусл қилишда бутун баданларингизни тозаланглар” деб буюрган, баданнинг ичию ташқарисини – қийналмай ювиш мумкин бўлган ҳамма жойини ювиш ғусл ҳисобланади.

Ғуслда соқолнинг тагига сув етказиш шарт бўлгани каби унинг ораларига ҳам сув етказиш шарт. Демак, соқолни ҳам тўлиқ ювиш керак. Шунингдек, сочи ўрилмаган, балки ёйилган аёл ҳам ғуслда сочини тўлиқ ювиши ва ораларига тўлиқ сув етказиши шарт. Фақиҳ Абу Жохир Бандовий ҳам шундай деганлар. Чунки соч-соқолга шу ҳолатда қийналмасдан сув етказиш мумкин. Аммо аёл кишининг сочи ўрилган бўлса, уни ёйиб ювиш керакми? Бу тўғрида уламоларда икки хил ҳукм бўлди. Баъзилари агар сочи ўрилган бўлса ҳам, сочини

ёйиб унинг ораларига сув етказиш керак, дедилар. Пайғамбаримиздан <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти бўлсин)</sup>: “Ҳар бир тук остида жунублик бордир. Огоҳ бўлинглар, сочининг ҳар бир тукини хўлланглар ва туксиз баданни покланглар” мазмунли ҳадис ҳам ривоят қилинган. Яъни, тук бўлмаган жойларини тўлиқ ювганингиз каби бадандаги тукларни ҳам ювинглар, соч-соқол каби тукларга ҳам сув етсин, деб буюрдилар. Демак, агар аёл кишининг сочи ўрилган бўлса, уни ёйиб, ораларига сув етказиб ювиши шарт, дейдилар айрим уламолар. Баъзи уламолар, соч ўрилган бўлса, уни ёйиб, ҳар бир соч орасига сув етказиш вожиб эмас, дейишади. Мазҳабимизнинг улуғларидан шайх имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Бухорий ҳам шу ҳукми иштиёр қилганлар. Шу ҳукм тўғридир. Бунга далил шуки, Умму Салама <sup>(Аллоҳ унинг рози бўлсин)</sup> онамиз: “Мен бошимдаги кокилимни қаттиқ боғлаб ўраман, ғусл қилганимда шуни ечиб ғусл қилишим керакми?” деб сўраганларида Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломати бўлсин)</sup>: “Бошингдан ва бутун баданингдан сув қуйгин ва ўша қуйган сувинг сочинг тагига етиб борса, кифоя қилади”, дейиш билан мана шу енгилликни берганлар. Чунки шарият аёл кишига ўриб боғланган сочини ечишга буюрса, унга танглик-қийинчилик бўларди. Аммо ўрилмаган сочга нисбатан айтиладиган “ҳар бир соч орасига сув етсин” деган гапда ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Ҳадисдан шу маъно чиқади.



Юқорида келтирилган “ҳар бир тук тагида жунублик бор, ҳар бир тукни ювинглар, ҳар бир тукка сув етсин” ҳадисидан: агар соч ёйилган бўлса, шундай қилинглр, деган маъно келиб чиқади. Умму Салама (Аллоҳ оқибатини билисин) онамиздан ривоят қилинган кейинги ҳадис эса ўрилган сочни ғуслда ёйиш шарт эмаслигига далил бўляпти. Демак, ғусл вақтида сочни ёйиш шарт эмас, лекин ҳар бир тола соч тагига сув етмаса, ғусл бўлмайди.

Киндикнинг ичига ҳам сув етказиш вожибдир. Киндикнинг ичи ҳам баданнинг ташқариси ҳисобланади ва ғусл вақтида у ҳам ювилган бўлиши керак. Чунки киндикка қийналмай сув етказиш имкони бор. Демак, киндик ичига намланган хўл бармоқ киритилса, тоза бўлади ва ундаги бир дона тук тагига ҳам сув етмай қолмайди. Аёл киши ғусл қилганда ташқи жинсий аъзосини ювиши лозим. Чунки уни ҳам қийналмай ювиш мумкин.

Динимиз ғусл вожиб бўлмаган баъзи ҳолларда ҳам ювинишга буюради. Масалан, жума намозига чиқишдан олдин ғусл қилинади. Зеро, жамоат жойида, хусусан, рухий поклик маскани – масжидда кишидан бадбўй ҳид келиб туриши суннатга хилофдир. Айниқса, бу ҳолат ёз ойларида жуда сезилади. Динимиз барча соҳада покликка буюриб турсаю, мусулмон одам қандай унга зид иш қилиши мумкин? Ислом уммати ўзининг сўзи билан ҳам, амали билан ҳам, ҳатто баданидан чиқадиган ҳид билан ҳам бировга озор етказмаслиги керак. Бировга озор тегишини истамаган киши ўзига қараши, сўнгра буни бошқаларга ҳам насихат қилиб, тушунтириши лозим. Чунки поклик дини бўлган бизнинг динимизда бутун вужуд ва қалб поклиги ҳар бир киши учун қатта аҳамият касб этади.

Ювиниб олиш жуда осон бўлиб қолган ҳозирги замонда пок ва тоза юриш ҳамма учун, айниқса, мусулмон учун оддий ҳол бўлиши керак. Ҳолбуки, бизга покликни ўргатаётган бу дин бир минг тўрт юз йил аввал жазирама араб саҳросида ҳар томчи сув олтидан юксак қадрланадиган, ҳеч қандай қулайликлар бўлмаган шароитда

ҳам бутун баданни уч мартадан ювишга буюрган. Пайғамбаримизнинг (Узюгга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин) таҳорат ва ғусл бобида ўзлари бажариб кўрсатган амалларини покликнинг умматга ибрат бўлиб қолган андозаси деса бўлади. Шунингдек, Расулulloх (саллоллоху алайҳи васаллам) масжидга кириш одоблари бобида кўплаб ўғитлар берарканлар, айниқса, хом саримсоқ ё пиёз еган одамларнинг у ерга йўламаслигини буюрганлар. Бунга сабаб шуки, ўша ҳид билан ёнидагига озор беради. Терлаб ювинмаган одамнинг ҳиди эса саримсоқ еган одам хидидан ёмонроқ бўлади. Динимиз мана шунга ҳам қарши бўлиб, тоза бўлиш кераклигини уқтиради.



Ислом поклик дини экан, энг кичик нарсада ҳам поклик бўлиши керак. Масалан, ўнг қўлда овқат ейиш суннат. Таом учун қўл ювилдими, энди уни фақат таомни ушлашга ишлатиш керак. Бирор нарсага ҳожат бўлса, иккинчи – чап қўлни ишлатса бўлади. Тозалик талабларига чинакам риоя қилиб

яшайдиган мусулмон кишининг бутун вужудидан эса поклик балқиб туради. Шунинг учун мусулмон одам тозаликнинг энг юқори мақомида бўлиши керак. Кўзимизга жуда арзимас бўлиб кўринган ишда ҳам пок бўлиш лозим.

Бу ҳолатларда ғусл қилиш фарздир: жунуб<sup>1</sup>, хайз ва нифосдан сўнг. Аллоҳ таоло жунуб ҳолатда ғусл қилиш фарзлигини ояти каримада билдирган: „Агар жунуб бўлсаларингиз, пок-ланингиз, чўмилингиз” (Моида сураси, 6). Яна бир ояти каримада: “Эй мўминлар то гапир-раётган гапингизни билмагунингизча маст холингизда намозга яқин келманглар ва яна сафарда бўлмасангиз то чўмилмагунингизча жунуб холингизда (намозга яқин келманглар)” (Нисо сураси, 43) дейилган. Демак, жунуб киши ғусл қилмасдан пок ҳисобланмайди ва масжидга кирмайди, қилган ибодати ҳам мақбул бўлмайди.

Шайх Алоуддин МАНСУР  
таржимаси

<sup>1</sup> Бу ўринда эҳтилом ва жинсий яқинлик назарда тутилган.





*Ишхонамиз йўлида анҳор бор. Кўпинча тўлиб оқади. Ҳаргал кўприкдан ўтарканман, поклик, безуборлик ҳақида ўйлаб, чиройли жилваланаётган сувга боқаман. Аммо... ногаҳон тиниқ сувда оқиб келаётган чиқиндиларга кўзим тушади. Покиза сувни булгашига кимнинг ҳадди сизди экан, дейман...*

## ОСМОНДАН ТУШИРИЛГАН, ЛЕКИН ЎЛЧОВЛИ...

Сувни ҳаёт манбаи деймиз. “Эл ҳаёти ер билан, ер ҳаёти сув билан”, “Ариқдан сув узилмаса, саватдан нон аримас” ёки “Сув ичган кудуғингга тупурма”, деган мақолларимиз бор. Ҳа, сув билан табиатимиз яшил, ризк-рўз унадиган далаларимиз обод, хирмонларимизда барака.

Неъматни созуриш, қадрига етмаслик гуноҳ. Бир куни қизчам мenden: “Ойижон, сув ҳеч тугаб қолмайдами?” деб сўраганида, “Йўқ, у Аллоҳнинг неъматиди, У Зот истамаса, тугамайди”, деб жавоб бердим. Аммо ўйлаб қаралса, сувдан тўғри фойдаланмасак, бемалол ифлосласак ёки исроф қилсак, қадрини билдириб қўйиш учун Яратган уни бир оз тортиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Бир томчи сувга зор ҳудудларни бир эслайлик.

Яқин-яқинларгача сув туганмас захира ҳисобланарди. Аслида ҳам шундайми? Бу ҳақда қизиқиб баъзи маълумотларни тўпладим.

Ер юзидаги сувнинг катта қисми уммон ва денгизларда, унинг атиги икки ярим фоизи чучук сувдир. Бунинг устига чучук сувнинг асосий қисми Ер курасининг чекка жойларида – фойдаланиш қийин бўлган Антарктидада, Арктикада, Гренландияда ва баланд тоғлар бағрида, қор, музликлар шаклида тўпланган. Одамлар кўп яшайдиган минтақаларда чучук сув жуда кам. Дарёлар суви қирқ етти минг километр кубни ташкил қилади. Улардан ҳам кўпи аҳоли анча сийрак яшайдиган шимолий минтақаларда ва экваторга яқин ҳудудларда оқади.

Чучук сувга талаб узлуксиз ошиб бормоқда. Агар 1980 йили инсоният эҳтиёжларига уч ярим километр куб сув етган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йили беш минг километр кубдан ошиб кетган. Чучук сув, айниқса, ишлаб чиқариш (саноат ва қишлоқ хўжалиги)да энг кўп сарфланади. Эҳтиёжларнинг кескин ортиши жаҳонда чучук сув танқислигини юзга келтирмоқда.

Сувнинг миқдори эмас, сифати ҳам жуда муҳимдир. Ҳозир жаҳон аҳолисининг учдан бир қисмигина яхши, сифатли, яна шунча қисми асосан сифатсиз сув ишлатади. Дарё сувидан унумли фойдаланиш учун кўплаб сув омборлари қурилган. Жаҳон бўйича улар сони қирқ мингдан ошиқ. Йирик сув омборлари АҚШ ва Россияда кўп.

“Сувнинг қатраси – офтобнинг зарраси”, дейишади. Сув поклик рамзи. Уни ичсак, та-наминг қувватланади. Аллоҳ таоло марҳамат



қилади: “Ўшанда У сизни Ўзидан омонлик қилиб, мудроқ ила ўраган эди ва сизни поклаш, сиздан шайтоннинг васвасасини кетказиш ҳамда қалбларингизни боғлаш ва қадамларингизни собит қилиш учун устингизга осмондан сув туширган эди” (Анфол, II). Осмондан сув туширилиши Аллоҳ таолонинг қудрати сифатида зикр этилади. Унинг яратилишида инсоннинг ҳеч қандай хизмати йўқ. Фақат тафаккур билан шуқр қилиб фойдаланиши мумкин: “Ўзингиз ичадиган сувни ўйлаб кўринг-а! Уни бутлутлардан сиз туширасизми ёки Биз туширғувчимизми? Агар хоҳласак, Биз уни шўр қилиб кўямиз. Шуқр қилсангиз-чи!” (Воқеа, 68-70).

Олимлар сувда кўзга кўринар-кўринмас зарарли микробларни ўлдирувчи ва кишига роҳат бағишловчи, чарчокни кеткизувчи шифобахш хусусиятлар борлигини айтишади. Электр қуввати ва турли газлар таъсирида тери тўқималари нафас олиши қийинлашади. Баъзан кимёвий толадан тўқилган кийим ечилса ёки қўл бирор металга тегиб кетса, кичик ток уриш ҳодисаси рўй беради. Сув ўша зарарли нарсаларни ювиб туширади, бадандаги кўзга кўринмайдиган турғун электрни кетказади. Ёмғирдан сўнг ҳавонинг салқин ва оромбахш бўлиши ҳам томчиларнинг ҳавони турғун электрдан тозалашига узвий боғлиқ.

Сув шундай тотли, шифобахш ва покиза неъмат эканини, афеус, ҳамма ҳам ҳис қилмайди. Қадрига етмай, исроф қиламиз. Кўпқаватли уйларда иссиқ сув, совуқ сув алоҳида келади. Бир кун совуқ сув келмаса нима бўлишини тасаввур қилинг... Айримлар сувҳисоблагичи бўлмаса, жумракни катта очиб бемалол оқизиб кўяди. Ҳатто ёзда сув билан уйни салқинлатишади, егулик ва ичимликларни совитишади. Сув ҳақини тўламайдиганлар, тўласа миннат қиладиганлар бор. Кўча-кўйда ҳам кечакундуз суви оқиб ётадиган жўмракларни кўп кўрамиз. Баъзилар ҳеч ўйламай, тиник сувга ифлос чиқиндилар отишади. Шундай кезларда сувсизликдан қийналаётган халқлар оз эмаслигини ўйлайлик, қадрига етмасак сувга зор бўлиб қолишимиз мумкинлигини унутмайлик.

**Зебунисо ҲУСАЙН**

## СУВНИ ҚАДРЛАНГ

Жилдираб оқар ариқ,  
Фақат қадрин билмаймиз.  
Гўё уммонда балик,  
Назар-писанд қилмаймиз.

Ифлос қилманг, пок сувни,  
Авайлаб, асранг уни!  
Эл дуосини олинг,  
Даркор охират куни!

Қўлдан келса гар ариқ  
Қазиб, сув беринг элга.  
Дуо қилади халқ,  
Умр учмайди елга.

Автолару от-улов  
Ювишни бас қилинглар!  
Жўмракка кўйинг жилов,  
Сув қадрини билинглар!

Неча халқлар сувга зор,  
Фақат бизда бемалол.  
Оқар сувни қадрланг,  
Асранг, асло қилманг хор.

Сув, ҳаво, нон учовлон  
Бўлмаса нетар инсон?  
Сув билан тирик жаҳон,  
Оқар сувни қадрланг?!

Тўловини унутманг,  
Ўз вақтида узинг қарз,  
Тўлаш бўйнингизда фарз,  
Оқар сувни қадрланг!

**Мамадали ТУРДИАЛИ ўғли,**  
*Жиззах вилояти Пахтакор шахри*

## ИЛТИЖО

Чин дилдан сўраса, берғувчи Зотсан,  
Ҳожатманд инсонга олий нажотсан,  
Барча ўткинчи, Сен доим ҳаётсан,  
Ўзинг мадад бергин, Ўзинг қўллагин,  
Гўзал жаннатларинг сари йўллагин.

Солих бандалардан бўлай Ўзингга,  
Амал қилиб яшай амринг – сўзингга,  
Охирда уялмай боқай юзингга,  
Ўзинг мадад бергин, Ўзинг қўллагин,  
Гўзал жаннатларинг сари йўллагин.

Мадад бермасанг гар, йўқдир чорамиз,  
Назаринг тушмаса, биз бечорамиз.  
Нажот истаб яна қайга борамиз?  
Ўзинг мадад бергин, Ўзинг қўллагин,  
Гўзал жаннатларинг сари йўллагин...

**Абдулносир БОБОМИРЗАЕВ,**  
*Тошкент Ислам институти талабаси*


# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради



**Савол:** Қибла тарафда ухлаб ётган ёки гаплашиб ўтирган одамнинг ортида намоз ўқиса бўладими?

**Жавоб:** Қиблага қараб ўтирган ё турган кишининг ортида намоз ўқиса бўлади. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) Икримани (Аллоҳ у билан рози бўлсин)



қиблага юзлантириб қўйиб ортида намоз ўқиганлар.

Аммо намозхонга юзланиб турган ёки уни ибодатдан чалғитадиган даражада баланд овоз билан гаплашаётганлар ёнида,

қибла тарафида ухлаб ётган киши қиршисида ўқиш макруҳдир (*“Шарҳи Аврод”*).



**Савол:** Мусулмон эр ёки аёл бошқа диндагилар билан турмуш куриши мумкинми?

**Жавоб:** Мусулмон киши аҳли китобларнинг аёлларига уйланиши жоиз. Аҳли китоб Таврот, Инжилга эътиқод қилувчилардир. Қуръони каримда: **“Бугун сизлар учун покиза нарсалар ҳалол қилинди. Шунингдек, аҳли китобларнинг таоми сизлар учун ҳалол ва таомингиз улар учун ҳалолдир. Зинокорлик ёки махфий ўйнаш қилиб олиш учун эмас, балки маҳрларини берсангиз, мўмина аёлларнинг ифбатлилари ва сизлардан олдин Китоб берилганларнинг ифбатли аёллари (ҳам ҳалолдир). Ким, имондан куфрга қайтса, (қилган савобли) иши, албатта, зое бўлур ва у охирадда зиён кўрувчилардандир”** (*Моид*, 5), дея марҳамат қилинган.

Мусулмон киши оташпараст, бутпараст ёки бошқа шунга ўхшаш ой, қуёш каби нарсаларга сиғинувчилар билан ҳам турмуш куриши мумкин эмас. Аммо муслима аёл

бошқа диндагиларга эрга тегиши мумкин эмас (*“Ҳидоя”*).



**Савол:** Мен баъзан унутган ҳолда намозда зам сурадан олдин “Басмала”ни айтаман. Бунинг намозга зарари йўқми?

**Жавоб:** Ҳар ракатда Фотиҳа сурасидан олдин “Басмала” айтиш суннат, Фотиҳа билан зам сура ўртасида “Басмала” айтмаслик суннатдир.

“Муҳит” китобида Фотиҳа билан зам сура ўртасида “Басмала” айтилмайди, агар айтса макруҳ бўлади, дейилган (*“Ҳидоя”, “Шарҳул Виқоя”, “Маслакул муттақин”*).



**Савол:** Намозда эснаш яхши эмас, деб эшитдим. Аммо эснаш ихтиёрсиз келса, нима қилиш керак?

**Жавоб:** Ибодат пайтида эснаш хушув ва хузуъни кетказади. Бошқа пайтларда ҳам эснашни уламолар яхши санашмаган. Шу сабаб намозхон эснашни қайтаришга ҳаракат қилиши лозим. Аммо қайтаролмаса чап қўли орқаси билан оғзини ёпиши керак.

Қиёмда турган пайтда кўп ҳаракат бўлмаслиги учун ўнг қўл орқаси билан оғиз беркитилади. Чунки қиёмда намозхоннинг ўнг қўли чап қўлининг устида бўлади. Аммо олдин эснашни қайтаришга ҳаракат қилиш керак. Қудурий айтади: “Кўп бор синадик, эснашни қайтаришга ҳаракат қилинса, у тўхтар экан” (*“Фатовоийи Қозихон”*).

“Тухфатул мулук” китобида, Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) намозда асло эснамаганларини, кўнгилдан ўтказиб, Аллоҳ таолога чин дилдан итоатли, илтижоли ҳолатда туриш одамни намозда эснаш каби ортиқча ҳаракатлардан саклайди, дейилган (*“Шарҳул Виқоя”*).

Абдулвоҳид ЎРОЗОВ  
оққа кўчирди.



# ҲАЁТИМИЗ МУҲОФАЗАСИ

Йўл оммага тегишли, бинобарин, унга зарар етказиш мумкин эмас. Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам): «Йўлга ўз ҳақини беринглар», деб марҳамат қилдилар. У зот йўловчиларнинг ҳақини эътиборга олиб, йўл ўртасида намоз ўқишдан қайтардилар, сафарларида бирор жойда тўхтаганларида бошқа йўловчиларга халақит бермаслик чора-тадбирларини кўрдилар.

Жамиятнинг саломатлигини тўлиқ таъминлашга хизмат қилувчи ҳукмларни фуқаҳолар Қуръон ва ҳадис маънолари асосида ишлаб чиқишган. Баъзи уламолар бу фикрий қоидаларни ўн еттита деса, бошқалари уни тўрттага қисқартиришган. Изз ибн Абдуссалом уларни иккига жамлаб, «манфаатни жалб қилиш» ва «зарарни даф этиш» қоидалари билан изоҳлаган. Айрим мутааххир уламолар буни ҳам қисқартириб: «Манфаатни жалб қилиш барча шаръий аҳкомларга асосдир, чунки зарарни қайтариш ҳам манфаатни жалб қилиш ҳисобланади», деганлар.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан мақсад ҳайдовчи, йўловчи ва пиёдаларнинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаш, автомобилларни турли талофатлардан асраш, яъни, инсоннинг жонини ва молини муҳофаза этишдир. Зеро, бундай ҳодисалар инсонларнинг ҳаётига зомин

бўлиши, саломатлигига путур етказиши, шунингдек, ортиқча сарф-харажатларга олиб келиши ҳам мумкин. Йўл ҳаракати қоидалари инсон ҳаётини сақлашни таъминлашга қаратилган. Ислон шариатининг талаб ва мақсади ҳам айни шу.

Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаган киши, аввало, ўзининг жону молини хатарга қўйган бўлади. Бу эса Ислон динида ҳаром амал ҳисобланади. Аллоҳ таоло айтади: «**Ўзингизни ҳалокатга ташламанг**» (Бақара, 195). Уламоларимиз йўл ҳаракати қоидалари Ислон шариатининг талаб ва мақсадларига хизмат қилишини, уларга ҳамоҳанг эканини таъкидлайди ва уларга амал қилишни вожиб дейишади. Шунинг учун ҳам, барча ҳайдовчи, йўловчи ва пиёдалар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари, уларга ҳилоф иш тутмасликлари зарур.

Динимиз аҳкомларида инсоннинг дини, жони, шаъни, ақли ва молининг ҳимояси мақсад қилинган. Зеро, умримиз мазкур нарсалар устига бино қилинган бўлиб, ўшаларнинг тўлиқ муҳофаза этилиши, дахлсизлиги, уларга нисбатан ҳар қандай тажовузнинг баргараф этилиши билан фаровон ва осойишта кечади.

**Ҳасанхон  
АБДУМАЖИДОВ,**

*Тошкент Ислон институти  
4-босқич талабаси*



## МОМОЛАРИМИЗ АЙТАДИ...

Сийлаганни сигир билмас,  
сийпаганни хўкиз.

\* \* \*

Ювошдан йўғони чиқади.

\* \* \*

Камбағал дон топса,  
халта топмайди.

\* \* \*

Бой мақтанса топилур,  
камбағал мақтанса чопилур.

\* \* \*

Зоғора зотига, буғдой  
нархига тортади.

\* \* \*

Аҳмоқ ўзини мактайди,  
тентак қизини.

\* \* \*

Нокасинг оши пишмас,  
ўчоқнинг боши тушмас.

\* \* \*

Йигит моли ерда.

\* \* \*

Қоққанда қозик,  
осганда хурмача қолмади.

\* \* \*

Текин томоқнинг  
тиканаги тикилади.

\* \* \*

Ҳамир қормай  
тандирга ўт ёкма.

*Тошкентлик МУНАВВАР  
ҳожиси онадан ёзиб олинди.*

# ТАНЗАНИЯ БИРЛАШГАН РЕСПУБЛИКАСИ



**Жуғрофий ўрни.** Танзания шарқий Африкада жойлашган. Шимолда Кения ва Уганда, ғарбда Руанда, Брунди ва Конго Демократик Республикаси, жанубда Замбия, Малави ва Мозамбик билан чегарадош. Шарқий чегарасини Ҳинд океани ювиб туради. “Танзания” номи мамлакатни ташкил этган иккита ўлка – Танганика ва Занзибар номларидан олинган. Иккита пойтахти бор. Доруссалом шаҳри тарихий бошкенти, Додома ҳукумат идоралари жойлашган маъмурий пойтахти ҳисобланади.

Мамлакат ҳудудининг асосий қисмини ясситоғликлар эгаллаган. Ҳинд уммони соҳили бўйлаб пасттекисликлар чўзилган. Бу ерда Африка қитъасининг энг катта сув ҳавзалари – шимолда Виктория, ғарбда Танганика, жанубда Ньяса кўли бор. Иқлими – субэкваториал. Шимолда икки марта (март-май, сентябр-ноябр), жанубда бир марта (ноябр-апрел) ёмғир мавсу-

**Майдони:** 945203 кв.км.

**Аҳолиси:** қирқ уч милёндан ортиқ.

**Пойтахти:** Додома шаҳри.

**Тузumi:** республика.

**Давлат бошлиғи:** президент.

**Маъмурий тузилиши:** 26 та вилоят (мкоа)га бўлинади.

**Йирик шаҳарлари:** Доруссалом, Букоба, Морогоро, Додома, Аруша.

**Пул бирлиги:** танзания шиллинги.

ми кузатилади. Танзанияга тегишли ороларнинг иқлими зах, серёғин. Кунлик ўртача ҳарорат 28–30 даража, уммондан энгил шабада эсиб туради. Уммон сувининг ўртача ҳарорати 24–26 даража илиқ.

**Тарихи.** Ҳозирги Танзания ҳудудида илгари Африканинг қадим тубжой аҳолиси бушмен ва готтотлар яшаган. Милоддан олдинги биринчи асрда бу ерга Ҳабашистон тоғликларидан кушит қабилалари кўчиб келган. Милодий аср бошида эса банту қабилалари келиб ўрнашишган. Биринчи мингйиллик ўрталарида мамлакат ҳудудига форс, араб ва ҳинд савдогарлари қадами етган ва кейинчалик улар ҳам шу ерда қолишган. Ана шу даврда янги бир курама элат – суахили пайдо бўла бошлаган. Суахилилар халқаро савдо билан шуғулланиб, бошқа ўлкаларга фил суяги, олтин элтиб, хунармадчилик буюмлари, матолар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишган.

XVI аср ўрталарида Танзания чегараларига португаллар кадам қўяди. 1505 йили улар деярли барча порт шаҳарларни эгаллайди, бироқ XVII аср иккинчи ярмида араблар ва занжилар босқинчиларни юрт-

ларидан қувиб чиқаришади. Шундан кейин бу ҳудудда шамбала, чагга, хехе, хайя, нямвезе қабилаларининг Кимвери давлати ва бошқа кичик қабилавий бошқарув бирликлари юзага келади. XIX аср ўрталарида эса Танзанияга кўплаб оврупалик савдогар ва миссионерлар келишади. 1885 йили олмон генерал-губернатори Карл Петерс ўн икки нафар қабила бошлиғи билан учрашиб, уларни Олмонияга бўйсунтиришга кўндиради. 1888 йили эса Занзибар султонидан мамлакатнинг соҳилбўйи қисмини эллик йилга ижарага олади. 1890 йили Занзибар султони инглизларга бўйсунтириш ҳақидаги розилик битимини имзолайди. 1891 йили Карл Петерс Олмония Шимолий Африкаси мустамлака империяси тузилганини эълон қилади.

Олмонлар бу ерда каучук, қахва, пахта ва сизал етиштири бошлайди. 1902 йили эса темир йўл қуришади. 1905–1907 йиллари босқинчиларга қарши кўтарилган Мажи-Мажи кўзғолони бостирилади. 1914 йили Биринчи жаҳон уруши бошланади ва Танзания ҳарбий ҳаракатлар синов майдонига айлантирилади. Олмония душманлари – Бри-

тания, Белгия ва Португалиянинг мустамлака ўлкаларига юриш қилади. Бу ҳолат 1918 йилгача – Антанта билан тинчлик шартномаси имзолангунча давом этади. Урушдан сўнг Танзания Британия вассийлигига ўтади. Инглизлар плантация сиёсатини давом эттириб, экин майдонларини кенгайтиради.

Британия 1961 йил 9 декабрда Танганикага, 1963 йил 10 декабрда Занзибарга мустақиллик беришга мажбур бўлади. 1964 йил 12 январда Занзибар халқи қўзғолон кўтариб, султонни тахтдан ағдаради ва шу йилнинг 26 апрелида икки мамлакат қўшилиб, Танзания Бирлашган Республикаси ташкил топгани эълон қилинади.

1967 йили Танзания Африка Миллий Бирлашмаси ҳудудда коммунизм куришга киришади, бироқ бу ислохот ўзини оқламайди, аҳолининг кескин норозилигига сабаб бўлади.

Мамлакатда 1970 йилдан 1995 йилгача бирпартияли бошқарув ҳукм сурди. Ҳозир кўппартиявийликка асосланган демократик бошқарув йўли танланган.

*Иқтисоди.* Танзания дунёнинг қашшоқ мамлакатлари-

дан бири. Иқтисоди кишлок хўжалигига асосланган, ишчиларнинг саксон фоизга яқини шу жабҳада меҳнат қилади. Ялпи ички маҳсулотнинг йигирма етти фоизи кишлок хўжалигига тўғри келади. Қахва, сизал, чой, пахта, тамаки, маккажўхори, буғдой, банан етиштирилади. Қорамол, қўй ва эчки боқилади. Ялпи ички маҳсулотнинг йигирма уч фоизи саноат маҳсулотлари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, олмос, олтин, темир рудаси ва туз казиб олиш, пойабзал ишлаб чиқариш саноатнинг асосий тармоқларидир.

Танзания Африка, Кариб хавзаси ва Тинч уммони ҳудуди мамлакатлари халқаро ташкилоти аъзоси. Асосан Ҳиндистон, Хитой, Япония, Жанубий Африка Республикаси, Кения, Нидерландия, Олмония ва Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлар билан савдо қилади.

*Аҳолиси.* Аҳолининг саксон фоизга яқини кишлокларда яшайди. Бир юзу йигирмага яқин миллат вакиллари бор. Улар орасида сукума, нямвези, жагга, нгонде, хая, хехе, бена ва маконделар кўпчилик. Этник гуруҳларнинг асосий

қисми банту халқлари гуруҳига мансуб. Аҳолининг ўртача кўпайиши йилига икки фоиз.

*Дини.* 1967 йилдан бошлаб мамлакатда аҳолини рўйхатга олиш чоғида фуқаронинг қайси динга эътиқод қилиши қайд қилинмайди. АҚШ махсус хизмати маълумотномасига кўра, аҳолининг ўттиз беш фоизи мусулмонлар, ўттиз фоизи насронийдир. Қолган ўттиз беш фоиз аҳоли турли маҳаллий эътиқодларга ишонади.

Мусулмонлар асосан Занзибар оролларида (97 фоиз) истиқомат қилади.

Ислом дини Танзания ҳудудига 900 – 1000 йилларда ёйила бошлаган. Форсий подшоҳлар оиласига мансуб Али ибн Ҳасан Шерозий акаси тахтга ўтиргач, тазийкка учраб, мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Али кемада Африка томон йўл олади. Қитъа қирғоқлари бўйлаб сузиб, Килва ороли ёнида тўхтади ва уни банту қабиласи сардоридан сотиб олади. Оролдан қитъага омонат бир кўприк орқали ўтиларди. Али мустаҳкам кўприк қурдиради ва оролда Килва султонлигига асос солади. 1300–1400 йиллари Килва султонлиги қитъадаги жуда кўп шаҳарларни бўйсундиради. Бу ҳудудда Ислом дини кенг ёйилади. Машҳур тарихчи Ибн Баттута 1332 йили оролга келади ва мусулмонлар кўплигидан ўзини худди уйидагидек ҳис этганини ёзади. Занзибар жанубидаги Кизимкази масжиди нафақат Танзания, балки Шарқий Африкадаги энг қадимги жомелардан биридир. У 1107 йили қурилган.

**Орифжон МАДВАЛИЕВ**  
тайёрлади.





*Журналимизнинг иккинчи сонида берилган “Бола хулқи нега бузилади?” номли мақолада фарзанд тарбиясида йўл қўйиладиган баъзи хатолар ҳақида сўз юритилган эди. Таҳририятга келган хатлардаги фикр ва таклифларни инобатга олиб, баҳсни яна давом эттиришни маъқул кўрдик.*

## ФАРЗАНДИНГИЗГА ДЎСТ БЎЛИНГ

Дунёда фарзанди одобли бўлишини истамаган ота-она йўқ. Хўш, болани қандай одобли қиламиз? Бунинг учун энг олдин ота-онанинг ўзи тарбияли бўлиши керак. Ахир, инсон ўзида йўқ нарсани бировга беролмайди-ку.

Куйидаги тавсияларга эътибор бериш ва амал қилиш мақсадга мувофиқ:

– ота-она салоҳиятли, болаларига ибрат бўлиши керак. Китоб ўқимаган киши фарзандининг қўлига яхши китоб тутолмайди;

– болани мустақил фикрлашга ўргатиш жуда муҳим. Воқеа-ҳодисаларга қандай муносабат билдиришига ота-она қизиқиши, уни тинглаши, саволларига эринмай жавоб бериши керак. Бундай йўл боланинг мустақил фикр юритишига ёрдам беради, унда фикрини ифодалаш шижоатини шакллантиради;

– муносабатлар икки томонлама бўлсин. Шундай йўл тутинг, у сизга яқин дўстидек ишонсин. Шунда унга насиҳат қилсангиз, оғир олмайди. Ҳазрат Али (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Фарзанд билан етти ёшгача ўйна ва унга фикри қабул қилингани ҳамда инобатга олинганини билдириб қўй, бу услубнинг яхши самараси кўп”, деганлар. Фарзанд билан дўстларча муносабатда бўлиш уни ёмонлар билан дўстлашишдан, бузғунчи ахборотларга эргашишдан сақлайди;

– фарзанд оиласида алоҳида ўринга эгаллигини, кадрли эканини ҳис этиши зарур;

– бола уй ишларини бажаришда ҳамма билан аҳил-иноқ бўлиши, оила муаммоларини беркитиши, жипсликни сақлашни ўрганиши лозим. Ота-она фарзандига иш ва масъулият юклаб, сўнгра натижасига эътибор қаратса, бола бурчига садоқатли бўлади;

– ота-она уйдаги нарса-буюмларни бир кишига хосламасин. Аксинча, улар ҳаммага тегишли эканини айтсин. Масалан, уйдаги улов фақат отаники деб қаралса, ўғил фар-

занд ўзини отасига нисбатан ғариб санаши ва бу ҳол унга салбий таъсир қилиши мумкин;

– боланинг истаган нарсасига эришавериши яхши эмас. Маҳрум бўлиш аччиғини тотиб кўриши, нафсининг хоҳишларини қайтаришни ўрганиши керак;

– ота-она фарзандларининг ёши, акли, зийраклиги, ривожланиши, таъсирчанлиги ҳамда дунёқарашига эътибор қилиши зарур;

– болалар ёшлигидан бир-бирига гина-адovatли бўлмаслиги учун барчаларига бирдек муносабат кўрсатиш муҳим.

### Кўпинча йўл қўйиладиган хатолар:

– ота-онанинг болага: “лапашанг”, “аҳмоқ”, “одобсиз” сингари нохуш сўзлар билан мурожаат қилиши. Хато, камчилик фарзанднинг ўзида эмас, ишидадир;

– уриб-сўкиб тарбиялаш. Фарзанд хато иш қилганида танбех бериш ва тергаш учун уни уриш-сўкишдан кўра, яхши кўрган нарсаларидан маҳрум қилиш, гапирмаслик, қовоқ уйиш, дакки бериш самарали бўлади;



## ЗАРБУЛМАСАЛ САНЪАТИ

– нотўғри рағбатлантириш. Ота-она ўн ёшга тўлмаган болаларининг яхши ишларини мукофотлашда ширинлик ёки пул бериш билан бирга савоб бўлишини, эвазига жаннатга эришувини ҳам уктиришин;

– болаларни бир-бирига қарама-қарши ўстириш. Бир оилада туғилиб ўсган болаларнинг ҳам шахсияти турлича бўлади. Уларни зеҳни, қобилияти ва дунёқарашининг пасту баландига қараб йўналтириш лозим. Бир-бирига солиштириш билан уларнинг ораси бузилиши мумкин;

– ёмон дуо қилиш. Фарзанди жаҳлини чиқарса, айрим оналар дарров қарғашга тушади. Бу одатнинг оқибати жуда ёмон;

– ваъда бериб бажармаслик. Ота-она ваъдасида турмаса, ишончини йўқотади. Масалан, “Кел, урмайман”, дейди. Аммо келганида уради. “Бундай қилсанг, уни олиб бераман”, дейди, лекин сўзида турмайди.

– фарзандини ёмон ҳолатларга гувоҳ қилиши. Шаънини юксалтириш, ботирликка ўргатиш ўрнига таҳқирлайдиган манзараларни кўрсатиш бола қалбини синдиради;

– ёқтирмаган нарсасини совға қилиш;

– ёлғон гапириш: одатларнинг энг ёмони ёлғон сўзлашдир. Бола ўрناق оладиган кишилар ёлғон гапириб турса, у ҳам шунга одатланади.

Тошкент Исломи  
институтини мударрисини  
**Имоммуҳаммадхон**  
**УБАЙДУЛЛАЕВ**  
тайёрлади.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда зарбулмасални кўп учратамиз. Қуйидаги ҳадисда Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин) умматларни парвонага ўхшатиб, гўзал тарзда зарбулмасал қилганлар. Абу Ҳурайра (Аллоҳ оқибатини рози бўлсин) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломини бўлсин): “Мен билан одамлар ўт ёққан киши билан парвоналар каби дир. Чунки бир киши ўт ёқса, атрофи ёришгач, парвоналар учиб келиб, ўзларини ўтга уради, у киши ҳарчанд ҳайдамасин, улар кетмайди. Мен ҳам ўша кишидек сизларни ўтдан сақлашга уринаман, сизлар ўзингизни ўтга урмоқдасиз!” дер эдилар» (Имом Бухорий).

Улуғ мутафаккир шоир ва ёзувчилар Қуръон ва ҳадисдан илҳомланишди. Натижада, зарбулмасал санъати юзага келди. Ҳадисда келтирилган шуъла атрофида айланувчи тун капалаги – парвона мумтоз адабиётимиз намуналарида кўп келтирилган.

Парвона сўзи турли маънони билдиради. Тасаввуфда парвона ишқ алангасида ёниб, ҳалок бўлаётганини ҳам билмайдиган ошиқ рамзидир.

Алишер Навоийнинг “Лисонут тайр” асарига бундай байтлар бор:

*Бир кеча парвоналар жамъ ўлдилар,  
Саъй бирла толиби шам ўлдилар.*

*Дедилар парни қилиб оташфишон:  
– Истоли матлуб нуридин нишон.*

*Ҳар не топсақ – они изҳор айлоли,  
Шарҳ этиб аслин падидор айлоли”<sup>1</sup>.*

**Мазмуни:** Бир кеча парвоналар жам бўлиб шамга етишмоққа ҳаракат қилишди. Қанотларини ўтда ёқишга ҳозирлаб: “Биз изловчилармиз, шам нуридин нишон излаймиз, агар ундан нимаики топсақ, уни изҳор қилайлик. Шарҳ этиб, асл зоти нимадан иборат эканини аниқлайлик”, дедилар. Шоир бу ўринда парвоналарни ишқ ўтига мубтало бўлган ошиқлар мисолида зарбулмасал қилади.

Парвоналар ҳар бири қанот қоқиб куйруқларини куйдиришади. Ҳар бири куйганча, ўзи истаган мақсадга эришади, аммо буни шарҳлаш, нақл қилиш қийин иш. Чунки киши шуълани тил билан шарҳ эта олмайди, куймасдан туриб эса шуъланинг моҳиятини билмайди.

Мумтоз адабиётимизда шу сингари жуда кўп ибратли зарбулмасаллар учрайди. Бундай тимсоллар ўтаётган умримиз мазмун-моҳиятига етишда бизга яхши сабоқ бўлади.

**Обидхон ИКРОМОВ,**


“Мулла Қирғиз” Исломи ўрта махсус билим юрти ўқитувчиси

<sup>1</sup> Алишер Навоий. “Лисонут тайр”. Тошкент, 1991, 226-бет.

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Канадада мусулмонлар қабристонни



Торонто шаҳрида мусулмонлар қабристонни учун ер ажратилди. Мозор қирқ минг маййитни кўмишга мўлжалланган. Энди бу ерда дунёдан ўтган мусулмонлар диний тартибга кўра дафн этилади. Ажратилган ер баҳоси олти миллион саккиз юз минг долларга тенг. Маблағ “Торонто мусулмонлар уюшмаси” томонидан ўн йил мобайнида қопланади. Яқинда Оттава шаҳрида ҳам мусулмонлар қабристонни очилиши кутилмоқда.

## Янги уюшма тузилди



Тунис ички ишлар вазири Эннах Али Ларейда фармойиши билан “Яхшиликка чақириш” уюшмаси тузилди. Уюшманинг шариат, диний фанлар ва адлия масалалари бўйича кўмиталари бор. Уюшма фуқаролар ва сайёҳларнинг шариат қонунларига амал қилишларини назорат қилиб боради. Саудия Арабистонида бу иш 1940 йилдан йўлга қўйилган.

## “Мусулмон олами – 2012” анжумани

15 март куни Перм шаҳрида “Мусулмон олами – 2012” номли анжуман бўлиб ўтди. Перм ўлкаси муфтийи Муҳаммадали Хузин анжу-

ман ташаббускори, ташкилотчиси бўлди. Унда Россия Федерацияси депутатлари, олимлар ва Ислом маданияти маркази вакиллари иштирок этишди. Тадбирдан кўзланган мақсад замонавий минтақада Ислом маданияти тарихини ўрганиш, маҳаллий аҳолига янада қулай шароитлар яратиш ва мамлакатдаги диний идораларнинг дўстона алоқаларини мустаҳкамлашдир.

## Украинага ташриф

Украина мусулмонлари идорасига Ироқдан келган бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюришди. Уларга Ироқнинг Украинадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шураш Холид ҳамроҳлик қилди. Меҳмонлар Киев шаҳридаги “Роҳма” жоме масжидини зиёрат қилиб, Украина муфтийи Аҳмад Тамим билан учрашдилар. Муфтий меҳмонларни Киев шаҳрида бунёд этилган биринчи масжид ва диний идора фаолияти билан таништирди. Меҳмонлар Украинада диний соҳада эришилган ютуқларни юқори баҳолади.

## Олисни кўзлаб

Қатарнинг саксон беш миллиард доллар сармояси бўлган жамғармаси Франциядаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ҳашаматли қасрлар ва меҳмонхоналарни сотиб оляпти. Яқинда у “Пари Сен Жермен” клубини ҳам сотиб олди. Мамлакат Амири келажакда фақат ўз юртининг ерости бойликларига суяниб қолмасликни кўзда тутмоқда.





### “Катта йигирмалик” йиғини



24–27 феврал кунлари Саудия пойтахти Риёз шаҳрида “Катта йигирмалик” мамлакатлари палатаси аъзоларининг учинчи йиғини бўлиб ўтди. Австралия, Бразилия, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой ва Жанубий Африка каби улкан салоҳиятга эга мамлакатлар вакиллари йиғинда иштирок этди. Улар дин, маданият, иқтисодий масалалар, хоссатан, энергетика тармоғи бўйича ҳамкорлик юзасидан музокара олиб боришди.

### Канадалик профессор

Саудия Арабистонининг Қирол Абдулазиз номидаги университети инглиз тили ўқитувчиси, канадалик профессор Довуд Рой Волке Ислом динини қабул қилди. Олимнинг Қуръони каримни Инжил билан яхшилаб солиштириб, чуқур ўргангани шундай қарорга келишига сабаб бўлди. “Саудия Арабистонига келганимда Ислом дўстлик ва аҳиллик дини эканини тушуниб етдим. Менга Аллох тўғри йўлни кўрсатди”, деди у.

### Қадимий осори атиқалар

Грузиядаги уч юзга яқин масжиддан ўн саккизтасининг қарийб беш юз йиллик тарихи бор. Мамлакат Маданият вазири Николоза Рурра саъй-ҳаракатлари билан ушбу жомеларга қадимий ёдгорлик мақоми берилди. Бу масжидларнинг кўпи озарбойжонлар яшайдиган Квемо Картли, Марнеули ва Дманиси туманларида. Ҳозир уларнинг айримларида таъмирлаш ишлари олиб борилляпти. Беш юз мингга яқин гуржистонлик мусулмон бу ишдан жуда миннатдор.




### Янги ўқув қўлланмаси

Москвада “Ўзбек тили дарслиги” ўқув қўлланмаси чоп этилди. Беш жилддан иборат дарсликдан ўзбекча-русча луғат ҳам ўрин олган. Асосий уч жилдда ўзбек халқи маданияти ва миллий урф-одатлари ўзига хос услубда ёритилган. Қўлланма Москва Давлат тилшу-

нослик университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчилари ҳамкорлигида тайёрланди. Замонавий талаблар асосида ишланган дарслик фақат ўзбек тилини ўрганувчилар эмас, балки халқимиз санъати ва маданияти билан яқиндан танишиш истагида бўлганлар учун ҳам жуда қўл келади. Ҳозир “Ишбилармонлар учун ўзбек тили” дарслиги устида иш олиб борилмоқда.

### “Қуръон ва шарқшунослар”

Шу йилнинг декабр ойида Эрон Ислом Республикаси Кум шаҳрида “Қуръон ва шарқшунослар” мавзусида анжуман ўтказилади. Йиғилишда таниқли шарқшунослар, дин билимдонлари маъруза қилишади. Унда Қуръони карим тили, тuzилиши ва уни ўқитиш услублари устида иш олиб бораётган шарқшунос-олимлар фикр ва тажриба алмашадилар. “Мустафо” халқаро университети ташкиллаштираётган ушбу анжуман “Имом Ҳумайний” университетида бўлиб ўтади.



### Фотосуратлар танлови

Олмонияда Ислом ва мусулмонлар ҳаётидан олинган фотосуратлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Интернет тармоғида ташкил этилган ушбу беллашувда бошқа дин вакиллари ҳам иштирок этди. Суратчилар мамлакат масжидлари, тарихий ёдгорликлар ва мусулмон оилалари суратларини юборишди. Ўзига хос услуби, диди ва чиройли бадиий ёндашувлари сабаб уч суратчи – Кай Лёффелбайн, Агата Жиманска-Мадина ва Феризэл Бенжама танлов ғолиблари деб топилди.

### “Зайтуна” Ислом университети

Туниснинг минг йиллик тарихга эга “Зайтуна” Ислом университети салкам эллик йилдан сўнг қайтадан иш бошлади. У ўтмишда Миср Араб Республикасининг “Ал-Азҳар” халқаро Ислом университети даражасидаги билим ўчоғи эди. Бу даргоҳда Ислом тарихи, фикр, ақоид, тафсир, араб тили грамматикаси ва тиббиёт фанларидан чуқур сабоқ берилган. Университет айрим сабабларга кўра, 1964 йили ёпилган эди.

**Ш**амсиддинхон Тошкентда таниқли дин арбоблари сулоласи – Бобохоновлар оиласида тугилди. Ўрта мактабни битириб, 1955 йили Тошкент чет тиллар институтининг инглиз тили факултетига ўқишга кирди. Аъло баҳоларга ўқиб, институтни битирганидан сўнг, аспирантурада қолди. 1961 йили собиқ Иттифоқ Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Москва) аспирантурасига ўқишга кирди. Москвада араб филологиясига қизиқиб қолди ва араб тилини ўрганишга киришди.

## ШАМСИДДИНХОН БОБОХОНОВ ИБРАТИ

1962 йили аспирантурада ўқиш билан бирга Москвада янги ташкил этилган Иттифоқ мусулмонлар ташкилотлари халқаро алоқалар бўлимида ишлай бошлайди. Кўп ўтмай унга Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетида ўқишга йўлланма беришди. Мисрда ўқишни тугатиб, 1966 йили яна Москвага қайтиб, Иттифоқ мусулмонлар ташкилотлари халқаро алоқалар бўлимида ишлашни давом эттирди.

1973 йил июнда “Араб тилида иккиланган сонлар категорияси” мавзусида номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олий аттестация комиссияси қарори билан унга филология фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

Шамсиддинхон собиқ Иттифоқ мусулмон ташкилотлари халқаро алоқалар бўлимида ишлаган йиллари мобайнида отаси Зиёвуддинхоннинг содиқ ёрдамчиларидан бирига айланди. Хорижий мамлакатлар мусулмонлари билан халқаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш ишларида фаол иштирок этди. Мамлакат мусулмонлари вакиллари таркибида халқаро диний анжуманларда қатнашиш, диндошларимиз ҳаёти билан танишиш учун бир неча бор чет эл сафарларида бўлиб қайтди. Шу тарзда у бошқа мамлакатларнинг диний ва жамоат арбоблари ва ташкилотлари билан танишиб, улар билан яхши алоқалар ўрнатди.

Россиянинг йирик шарқшунослари ва тилшунос олимлари билан мулоқотлари, дўстлиги

Шамсиддинхон ҳаётида ўчмас из қолдирди, устозларидан кўп нарса ўрганди. Кўп ўтмай ўзи ҳам шарқшунослик олимларнинг илмий давраларида танилиб қолди.

1974 йили Шамсиддинхон Бобохонов Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислому Олий маъҳадига проректор этиб тайинланди, орадан бир йил ўтиб эса ректор лавозимида кўтарилди. Айни мана шу йиллари отаси муфтий Зиёвуддинхон Бобохонов билан бирга малакали диний мутахассислар тайёрлашда алоҳида ғайрат кўрсатиб ишлади. Кенг фикрли ва дунё кезган раҳбар бўлганидан олий маъҳаднинг моддий-техникавий асосини ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Илм масканига энг моҳир, тажрибали дин олимлари, шарқшунослар ва тилшуносларни ишга таклиф этди. Улар маъҳадда таълим олаётган талабаларда мусулмон мутахассисига хос чинакам инсоний фазилатларни шакллантиришди.

Олий маъҳад раҳбари сифатида у турли мамлакатларнинг исломий ўқув юртлари, тадқиқот марказлари ва ташкилотлари билан яқин алоқалар ўрнатиб, ҳамкорликни мунтазам ривожлантириб борди. У ноширлик ишларига ҳам катта аҳамият берди. Ислому ўқув юртлари талабалари учун дарслик ва кўлланмалар нашр эттирди. Шахсан ўзи чет эллик ва ўрта осиелик кўп олимларнинг илмий китобларини чуқур ўрганди, таржима қилди. Мусулмонларнинг барча яхши ният-

ли одамлар билан бирга тинчлик, дўстлик, халқлар ҳамкорлиги йўлида ва илоҳий неъмат бўлмиш ҳаётни ядро ҳалокатидан асраб қолиш учун олиб бораётган курашларига бағишланган қатор китоблар ва мақолалар ёзди. Айни шу йиллари исломий илм-фан олами доктор Шамсиддинхон Бобохонов салоҳиятини юксак баҳолаб, уни йирик олим ва дин арбоби сифатида эътироф этди. Шамсиддинхон марҳум отаси каби мусулмонларнинг Боку, Москва ва Тошкент шаҳарларида ўтган халқаро анжуманлари ташаббусчиси бўлди. Жаҳондаги энг йирик динлараро, халқаро анжуманларнинг ташкилий қўмиталарига аъзо бўлиб, улар ишида фаол иштирок этди. Ўзининг кўп мавъизаларида мусулмонларни пок исломий эътиқодни ёйишга, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга, мутаассиблик ва террор-зўравонликка қарши курашга чақирди.



Шамсиддинхон Бобохонов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, унинг жаҳон ҳамжамиятига тенгҳуқуқли аъзо бўлиб киришини катта қувонч ва кўтаринкилик билан қарши олди. Кўпгина унга тенгдош одамлар яқин ўтмишни қўмсашга ёки иккиланишга берилишганида, Шамсиддинхон ака қатъият билан олдинга интилди.

Шамсиддинхон ака миллий истиқлолизмдан кейинги йилларни унга Аллоҳ таоло ҳаётда ато қилган чинакам қимматли неъмат деб биларди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари Шамсиддинхон Бобохонов бир қатор мамлакатлар, жумладан, Миср Араб Республикасида, Саудия Арабистони Қиролигида, шунингдек, ўриндошлик асосида Жазоир, Баҳрайн, Кувайт ва Иорданияда Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлиб самарали ишлади. Ушбу араб мамлакатлари давлат бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси элчиси Шамсиддинхон Бобохоновнинг ишонч ёрлиқларини катта ҳурмат билан қабул қилишди.

Тажрибали элчи ҳамда Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги маслаҳатчиси сифатида Шамсиддинхон Бобохонов республикамизнинг халқаро алоқалари ва дипломатияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Яхши инсон тўғрисида ёзмоқчи бўлсанг, табиий равишда қандайдир юксак ва чиройли сўзлар, кутилмаган иборалар билан бошлагинг келади. Шамсиддинхон Бобохонов чинакамига ажойиб инсон эди. Шу боис ишонч билан таъкидлаш жоизки, дин ва давлат арбоби, олим ва дипломат сифатида у ҳеч қачон маълум бир тор доирада ҳаракат қилмас, яъни умум қабул қилинган қолипларга сиғмас эди. У “қолипга сиғмас”, бунинг устига, хизмат мавқеи, ижодий ютуқлар ёки моддий бойликлар учун ўзига олдиндан қандайдир чегаралар қўйиб олмасди. Шамсиддинхон Бобохонов ҳамisha келажакка ишонч, қатъий интилиш билан яшар, бошқаларни ҳам ҳаётсеварликка чақирарди.

Шунинг учун ҳам одатда ўтганлар шаънига гапириладиган умумий, “навбатчи”, “чиройли” сўзларни Шамсиддинхон акага нисбатан қўллаш ноўрин бўларди. Балки кимгадир муболаға бўлиб туюлар, аммо мен журъат билан: “Шамсиддинхон ака яхши ишлари билан ҳамон орамизда яшамокда” деб айта оламан. Чиндан ҳам биз – қариндошлари, дўстлари ва ҳамкасблари орасида унинг кўз илғамас иштироки гўё давом этаётгандек туюлади.

Шамсиддинхон аканинг суратларини кўздан кечирарканман, уларнинг аксариятида Шамсиддинхон акани олға интилаётган, шиддатли, туткич бермас инсон қиёфасида кўрдим. Тасвирда муҳрланган бўлса-да, у гўё суратдан чиқиб кетадигандай қандайдир навбатдаги бир мўлжалга отилаётгандай кўринади. Шунда ўз-ўзидан кўнглимда бир истак туғилади: Аллоҳ таоло ҳар биримизга ҳаётда мана шундай ёрқин, доимо яхшилик сари интилишда, ҳаракатда, ҳамisha парвозда яшашни насиб этсин. Чунки бундай парвоз жисмоний эмас, балки маънавий парвоздир.

**Амирсаидхон УСМОНХЎЖАЕВ**



## Қуёш нурларидан савоб териб қол...

Эргаш ИБРОҲИМОВ

### БАҲОР

Қиш қўйнида ухлаб туриб,  
Рутубатни ортга суриб,  
Табиатни кийинтириб,  
Келибсан-да яна, баҳор!

Барча эди орзуманда,  
Бугун қувнаб, отар ханда,  
Одатингни қилмай қанда  
Келибсан-да яна, баҳор!

Соғинч ҳислар кучоғида,  
Бойчечак қулган чоғида,  
Турналар арғимчоғида  
Келибсан-да яна, баҳор!

Ўргилайин Наврўзингдан,  
Тенгқур кеча-кундузингдан,  
Хуш ифорли ялпизингдан,  
Келибсан-да яна, баҳор!

Илиқ тафтинг танга хузур,  
Кўнглим олар қуввату нур.  
Висолингга етдим, шукр,  
Келибсан-да яна, баҳор!

### ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Жаннатдан анқиган анбармисан, айт?  
Ё кўкда балқиган қамармисан, айт?  
Тоғиб бергин десам, дунё чарчади,  
Меҳрим, деб ёлборсам, қайтармисан, айт?

\* \* \*

Бахтми яширинган умри камимда,  
Армонми, кутганим ҳар бир дамимда.  
Бахтга элтар йўллар бунча ҳам олис,  
Ғамни учратаман ҳар қадамимда...

\* \* \*

Умрни сарфладим вақтни сочишга,  
Лек вақтим етмади бахтни топишга.  
Ё Раб, очиқ кўзни юммоқмикан бахт?  
Қайда кутар мени чўбин отли тахт?

\* \* \*

Не бахт, қисмат экан бўлмақ хонанишин,  
Шукр қилдим, ўтаверди ёзу қишим.  
Сўраганим сабру ризку умр бўлди,  
Барин берди. Сийлов билдим Ҳақнинг ишин.

\* \* \*

Дунёни чин дунё деб ёлғонга алданибман,  
Вафосиз гул ишқида қуйлаган андалибман.  
Эллим уч бўлакдир, бири кечди уй ичра,  
Шу бирда чинга етдим Ҳақ эгамни таниб ман.

\* \* \*

Умр шунга жам қилмиш жумбоқила маънони:  
Туғилиб, излаб топмоқ ўлимни – интихони.  
Келарда мен йиғладим, кетар чоғимда – дунё,  
Дунё мендан суонди, мен суймадим дунёни.

\* \* \*

Раббим, мени тавфиқингдан қилма нари,  
Аввал-охир нафасимда шафиқим бўл.  
Ҳар қадамда чалқаш дунё сўқмоқлари,  
Жаннатингга йўл кўрсатар Рафиқим бўл.

\* \* \*

Савдоли дунёда дунё-дунни қўй,  
Такводан яқтак кий, зарбоф тўнни қўй.  
Қуёш нурдан савоб териб қол,  
Кун ботгач, уйқуга кафан тунни қўй.

\* \* \*

Соғинч – дилни ҳисга тўлдирган гуллар,  
Йўл қараган кўзни тиндирган йўллар.  
Меҳрни саробга илиниб кутсам,  
Саробга умримни кўндирган йиллар!

\* \* \*

Ердан баландроқми сен ўтирган кўшк,  
Жаннат ифорини таратганинг мушк?  
Севги сўраб менга қарама фақат,  
Кўнглим кунжагидан тушиб қолган ишк...

Абдувоҳид ҶУРОЗОВ

**РИЗО ИСТАБ КЕЛДИМ**

Вужудимда ёнар оташ,  
Синик кўнглим, эгик бошим.  
Кечиксам ҳам тавба қилдим,  
Сендан ризо истаб келдим.

Дунё дедим, чопдим-елдим,  
Бисотимда эзгу иш йўқ,  
Умрим ўтди, ҳавас дедим...  
Сендан ризо истаб келдим.

Раҳматингдан умидим бор,  
Гуноҳим кўп, бўйин эгдим.  
Тавбам қабул бўлдим, Ёр,  
Сендан ризо истаб келдим.

Ғафлат босган бир хастаман,  
Кўнгли нотинч, ўзи беғам.  
Аро йўлда шикастаман,  
Сендан ризо истаб келдим.

**ВАТАН НЕДИР**

Ватан недир? Шу тупрокдир, она-замин,  
Чумолилар, чирилдоқлар, қушлар бари.  
Ўрмалайди, чириллайди, яйрар эмин,  
Бир-биридан гўзал ҳаёт лаҳзалари...

Билмаганга билдиради, сабоқ берар  
Ғариб кулба, ўтовларда момолари  
Ҳали-ҳануз қизларга тенг ип йигирар,  
Эшак эшар, қўй боқади боболари.

Ватан недир? Амир Темур, Жалолиддин,  
Аму узра Темур Малик бандаргоҳи.  
Ёғийларни сахро ичра адаштирган  
Ёвқур Широқ бевасининг ўтли оҳи.

Ҳакимбекнинг Бойсуни у, Бойчибори,  
Мадаминбек, Дукчи Эшон излари бор.  
Бу тупроққа не йигитлар келар ҳали,  
Туғилади Тўмарисдай аёллари.

Ватан недир? Ҳаёт билан кураш тушган  
Оналарнинг танасида тўлган ойдир.  
Бўғиқ-бўғиқ чинқирганча туғилган пок  
Гўдақларнинг киндик қони томган жойдир.

Ёвқур юрак дарчасида, қалбда турган  
Гўзал шуур, туйғу ўзи Ватан эрур,  
Шу ер, осмон, халқим, элим, отам, онам,  
Суянганим, соғинчларим Ватан бўлур.

**ОНАЖОНИМ**

Бир беланчак тебранади,  
Дард-аламдан кўнглим нотинч.  
Ухлаб ётсам, уйғотади  
Тонг саҳарлар келган соғинч.

Она, дейман тушларимда,  
Гоҳ эркалик қилгим келар.  
Бир гўдақман, кўз ўнгимда  
Онам беланчакка белар.

Тиним билмас чопқир йўллар  
Бедов отга ўхшайди-я.  
Силкинади, толар қўллар,  
Кўнгил дийдор кўмсайди-я.

Мен ёлғизман, онажоним,  
Душман чалиб йиқитганда,  
Кулар менга чин дўстларим,  
Она, сизни унутганда.

Унутмайди, унутмасман,  
Қалбимда сиз яшайверинг.  
Сиз тириксиз, ғам чекмасман,  
Онажоним, дуо қилинг!



# МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА МИССИОНЕРЛИК

**К**ейинги йилларда юртдошларимизни бузгунчилик, кўпурувчилик, сохта тариқатчилик, миссионерлик сингари гуруҳлар фитнасидан огоҳлантириш ниятида бир қанча китоблар чоп қилинмоқда. Бу асарлар халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

2011 йили “Мовароуннаҳр” нашриётида тайёрланган «Маънавий таҳдидлар: миссионерлик ва прозелитизм (моҳияти, келиб чиқиши, шакллари, муаммолар)» китобининг ҳам бу борадаги аҳамияти катта. Китоб Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар тараққиётини мувофиқлаштириш қўмитасининг гранти асосида чоп этилган. Уни Имом Бухорий халқаро маркази директори ўринбосари, фалсафа фанлари доктори Бахтиёр Тўраев бошчилигида ижодий гуруҳ, ушбу соҳанинг етук мутахассислари тайёрлашган.

Асар оммабоп тилда ёзилган, унга кўп китобхонларни қизиқтирган маълумотлар жамланган. Биринчи бобда мамлакатимизда давлат ва дин муносабатлари борасида олиб борилаётган демократик ўзгаришларнинг моҳияти ҳамда диний маърифатни юксалтириш соҳасида эришилаётган ютуқлар ва

диний сиёсатнинг ҳуқуқий асослари таҳлил этилган. Ушбу бобнинг кейинги қисмида диний кадрятлар маънавийтимизнинг ажралмас бўлаги экани, унга қарши қаратилган таҳдидлар батафсил таърифлаб берилган.

Навбатдаги бобда маънавий ҳужумларнинг турлари, шакллари ва унинг асосий йўналишлари ҳақида маълумотлар ўзига хос тарзда илмий тасниф қилинган. Жумладан, бундай келтирилади: “Бузгунчилар, миссионерлар ...жамият ҳаётининг барча жабҳаларига путур етказиши, жамият бошқарувида тартибсизлик ва парокандаликни вужудга келтириши, ижтимоий кучларни бир-бирига қарама-қарши гуруҳларга ажратиб ташлаши, ижтимоий қатламлар, миллатлар, динлар ва конфессиялараро зиддиятларни туғдириши, мамлакатнинг ижтимоий барқарорлигини бутунлай издан чиқариши мумкин”. Шу бобнинг иккинчи қисмида маънавий таҳдидларнинг алоҳида бир тури – миссионерлик ва прозелитизм ҳақида ҳам маълумот берилади. Бобнинг учинчи қисмида эса миссионерликнинг вужудга келиши, ривожланиш тарихи ҳамда уларнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги фаолияти таҳлил қилинган.

Миссионерликнинг тарғибот воситалари, усулларини ёритишга бағишланган бобда уларнинг таъсир этиш усуллари, қўлланмаси, молиявий манбалари, тарғибот йўналишлари, салбий оқибатлари ҳақида маълумотлар келтирилиб, уларга қарши кураш борасидаги муаммолар таҳлил қилинган.

Миссионерликка қарши курашнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий асослари батафсил ёритилган бобда ёшларни уларнинг чан-





# ИМОМ НАВАВИЙ

галидан асрашда сиёсий маданиятнинг ўрни, миссионерларнинг эътиқод эркинлиги асосларини қандай бузаётгани ҳақида асосли далиллар келтирилган. Бундан ташқари, миссионерликка қарши курашда маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳам тўғри кўрсатиб берилган. Ушбу бобда асосли таъкидланганидек: "...инсоннинг фикрлаш, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ҳамда дин ва эътиқод асосидаги нафрат, тоқатсизлик ва камситишларнинг барча шаклларига қарши саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим". Бу бобда келтирилган маълумотлар ҳам тарғиботчиларимиз учун катта ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Китобни миссионерлик таҳдидига қарши курашда асқотадиган амалий тажрибалар ҳақидаги, глобаллашув шароитида миссионерликка қарши курашда замонавий ахборот-технология ютуқларидан фойдаланиш имкониятларига доир амалий тавсиялар билан янада бойитиш ҳам мумкин эди. Китоб охирида матнда учрайдиган айрим илмий атамаларнинг маъноларини қисқа ва оммабоп изоҳловчи луғат берилса, янада қизиқарлироқ бўларди. Аммо унинг ҳажми ва адади чеклангани бунга имкон бермаган кўринади. Бу китоб республикамиз кутубхоналари, маънавият ва маърифат марказлари, маҳаллалар ва ўқув юртларидан кенгрок жой олса, яхши бўларди. Шу сабабли уни муайян даражада қайта ишлаб, янада кенгайтириб нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

Тинчликни сақлаш, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни асрашимиз керак. "Маънавий таҳдидлар: миссионерлик ва прозелитизм (келиб чиқиш шакллари, муаммолар)" китоби бу борада ҳар жиҳатдан фойдали бўлиши шубҳасиз.

**Бахтиёр КАРИМОВ**

(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2012 йил 5-сонидан қисқартириб олинди)

Ҳадис илми шаклланиши ва ривожланишида буюк хизмат қилган муҳаддислардан бири Имом Нававийдир. У зотнинг тўлиқ исми Яҳё ибн Шарафиддин ибн Муррий ибн Ҳасан Ҳузумий Хуроний Нававий бўлиб, лақаби “Абу Закариё”дир.


Олим 631 йили муҳаррам ойида Дамашқ яқинидаги Наво шаҳрида дунёга келади. Ёшлигидаёқ Қуръони каримни ёд олади. Ўн тўққиз ёшида Дамашқдаги “Равоҳия” мадрасасига ўқишга киради. Бу ерда Исҳоқ ибн Аҳмад Мақсидийдан фикҳ бўйича таълим олади. Диний илмлардан ташқари бошқа соҳаларни ҳам ўрганади. Таҳсилни тугатгач, Дамашқдаги “Дорул ҳадис ал-ашрафия” мадрасасида дарс бера бошлайди.

Имом Нававий тақволи, парhezли киши эди. Асосий вақтини тоат-ибодат, илм олиш ва таълим беришга бағишлайди. Аллоҳ таоло у кишига зийрак қалб, кучли хотира ва ўткир зеҳн ато этган. Имом Муслим “Саҳиҳ”ига ёзган шарҳи Имом Нававийнинг шоҳ асари ҳисобланади. Олим ҳар бир ҳадисга моҳирона шарҳ битиб, унинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириб беради.

Имом Нававий жуда кўп асарлар ёзди. Уларнинг кўпи ҳадис илмига доир. “Шарҳул саҳиҳи Муслим”, “Иршод”, “Таҳзибул асмо вал луғат”, “Ат-Тибён фи одоби ҳамлатил Қуръон”, “Минҳожут толибин”, “Бўстонул орифин”, “Арбаъин”, “Риёзус солиҳин” ва “ал-Азкор” каби китоблар шулар жумласидан. “Арбаъин”, “Риёзус солиҳин”, “Ал-Азкор” ва “Бўстонул орифин” ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

Имом Нававий <sup>(Аллоҳ раҳмат қилсин)</sup> ҳижрий 671 йили ражаб ойининг 24 куни дунёдан кўз юмди ва она юрти Дамашққа дафн қилинди.

Тошкент Ислом институти талабаси  
**Бобур ТОШПЎЛАТОВ**  
тайёрлади.



Ислом тарихида “Ал-Мабсут” номли асарлар кўп ёзилган. Масалан, Абу Юсуф (вафоти ҳижрий 182 й.), Муҳаммад ибн Ҳасан (вафоти ҳижрий 189 й.)<sup>1</sup>, Абу Лайс Самарқандий (вафоти ҳижрий 375 й.), Абу Шужоъ (вафоти беш юз йил олдин), Носириддин Самарқандий (вафоти ҳижрий 556 й.), Шамсулаимма Ҳалвоний (вафоти ҳижрий 448 й.), Хоҳарзода<sup>2</sup> (вафоти ҳижрий 483 й.), Абулйуср Паздавий (вафоти ҳижрий

ибн Аҳмад Сарахсийнинг шу номдаги асари назарда тутилган. Сарахсий кўп ўринларда “Соҳибул Мабсут” деб келтирилади<sup>4</sup>.

Сарахсийнинг бу асарига машҳур олим Абу Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад Марвазийнинг (вафоти ҳижрий 334 й.) “Кофий” китоби асос бўлган. Олим бундай ёзади: “Мен яшаган замонда илмлар толиби бир неча сабаблар билан фикҳдан узоқлашишларига гувоҳ бўлдим. Шу боис “Мухтасар”га шарҳ

## “АЛ-МАБСУТ” – ФИҚҲ ҚОМУСИ

493 й.), Фахруллоҳ Паздавий (вафоти ҳижрий 482 й.) каби олимларнинг ҳанафий мазҳабига оид шу номдаги асарлари бор. Шунингдек, шофий, моликий мазҳабидаги олимлар Абу Осим Ибодий (вафоти ҳижрий 485 й.), Абу Ҳафс Шофий (вафоти ҳижрий 243 й.), Абу Бакр Байҳақий (вафоти ҳижрий 458 й.), Ибн Арафа Тунисий ҳам (вафоти ҳижрий 803 й.) “Ал-Мабсут” битгани айтади. Муҳаммад Самарқандийнинг кироат илмларига, Абу Абдуллоҳ Бухорийнинг ҳадисшуносликка, Абу Ало Розий ҳамда Носириддин Самарқандийнинг тилшуносликка доир “Ал-Мабсут”лари ҳам маълум<sup>3</sup>. Шундай бўлса-да, “Ал-Мабсут” дейилганида биринчи навбатда Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган (XI аср) забардаст фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад



ёзиб, ҳар бир масалани ёритишда керакли маънодан ортиқча нарсани қўшмасликни, ҳар бир бобда ишончли бўлган маълумотлар билан чекланишни мақсадга мувофиқ топдим<sup>5</sup>. Демак, Сарахсий ушбу асариде ўзига

фикаҳ масалаларига мансуб китобларнинг асосий мазмунини жамлашга ҳаракат қилган ва Ислом ҳуқуқшунослигининг деярли барча соҳаларини қамраб олган.

Сарахсий ростгўйлиги, адолатпарварлиги сабабли душманларининг тухматига учраб, зиндонбанд этилади. Аммо ҳеч бир тўсиқ унинг чуқур тафаккури ва ўткир зеҳнига панд беролмайди. Асарнинг кириш қисмида келтирилган маълумотларга кўра, муаллиф уни зиндонда ёзган. “Ал-Мабсут”ни ёзиш жараёнида Сарахсий ёдида қолган маълумотларга асослангани унинг хотираси жуда кучли бўлганидан далолат беради<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Муҳаммад ибн Ҳасандан турли йўллар билан Мабсут ривоят қилинган ва уларнинг энг машҳури Абу Сулаймон Жузжонийникидир. Муъалломларга кўра, Муҳаммад ибн Ҳасаннинг *Мабсут*ига имом Шофий ҳам катта баҳо бериб, уни ёд олган.

<sup>2</sup> Унинг иккита Мабсут ёзгани ва уларнинг бири 15 жилддан иборат бўлгани айтилади.

<sup>3</sup> Ҳожи Халифа. “Кашфуз зунун ған асомил кутуб вал фунун”. Иккинчи жуз. Байрут: “Ихёут турсил арабий”, 1581 – 1583-бетлар.

<sup>4</sup> Қори Али ибн Султон Муҳаммад. “Ал-асмор ал-жанийя фи асмоъил ханфийя”. Бетна: “Худобахш”, 2002. 268-б.

<sup>5</sup> Сарахсий Муҳаммад ибн Аҳмад. “Мабсут (المبسوط)”. Биринчи жуз. – Байрут, “Дор ал-маърифат”, 1989. 4-б.

<sup>6</sup> Судуний, Зайниддин Қосим ибн Қутлубғо. Таржимаи ҳоллар тожи (تاج التراجم). – Байрут: Дор ул-калам, 1992. – 234 - б.

## ЖАҲОН ОРО БЕГИМ

Олим ҳукмларни Қуръони карим, ҳадиси шариф, осор, қиёс ҳамда истехсон асосида далиллайди. Ихтилофли масалаларда машхур уламоларнинг фикрларини солиштириб, таҳлил қилади. Жумладан, Абу Ҳанифа, Имом Молик, Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Имом Шофиъий, Ҳасан ибн Зиёднинг турли фикрларини келтириб, уларнинг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Бу асар кўп нусхаларда кўчирилган ва кенг тарқалган. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида китобнинг бир неча қўлёзма нусхалари сақланади. Жумладан, 3183, 3114, 5957, 5880, 5981, 2706, 6762 рақамлари остида китобнинг турли қисмларига доир қўлёзмалар мавжуд. Уларнинг ичида 3114 рақам остида сақланаётган нусха асарнинг бешинчи боби бўлиб, 344 бетдан иборат. Қўлёзмада кўрсатилишича, у Ўзганда 1705 йили кўчирилган. Асарнинг яна бир нусхаси Қоҳирадаги араб қўлёзмалари институтида 152 рақами остида сақланади. Маккадаги Ҳарам кутубхонасида ҳам 154 рақами билан сақланаётган бир нусхаси бор.

Сарахсийнинг “Ал-Мабсут” китоби фикҳ бўйича энг муҳим китоблардан саналиб, Ислом ҳуқуқшунослигига хос кўплаб масалалар ва уларнинг ечимлари юзасидан баҳс юритади. Барча мусулмон мамлакатларида кенг қўлланилган ушбу асар ҳанафий мазҳабимизнинг энг қимматли манбаларидан биридир.

**Абдумалик ТҶИҶИБОЕВ,**  
Тошкент Ислом  
университети тадқиқотчиси

Жаҳон Оро бегим Захириддин Муҳаммад Бобурнинг чевараси Шох Жаҳоннинг катта қизидир. У 1614 йили туғилган. Отаси Шох Жаҳон тахтга ўтирганида (1628 йили) Жаҳон Оро бегим 14 ёшда бўлган. Онаси Мумтоз Маҳалдан ўн етти ёшида қолган Жаҳон Оро бегим шох оиласини ўзи бошқарган. Отаси уни жуда яхши кўрарди. Харажатлари учун йилига каттагина нафақа белгилаган эди. Суюкли аёли Мумтоз Маҳал бегимдан қолган мулкни ҳам унга топширади.

Оқила малика ака-укалар ўртасидаги келишмовчиликларни, отаси билан укаси Аврангзеб орасидаги можароларни усталик билан ҳал қила оларди. Саройда обрў-эътибори кундан кун ортиб, онаси Мумтоз Маҳал бегимнинг мавқеини эгаллади. Салтанатни бошқаришда, ички ва ташқи сиёсат масалаларида отасига фойдали маслаҳатлар берди. У ҳам катта бобоси шох Бобурга ўхшаб меъморлик ва ободончилик ишларига қизиқарди. Аградаги жоме масжид лойиҳасини ўзи ишлайди. Дехли, Сураат, Амбола, Беҳал ва Панипат шаҳарларида карвонсаройлар қурилишига бош бўлади. Лоҳурда эса катта боғ бунёд эттиради. Камбағал ва фақирлар учун уй-жойлар қурдиради. Шунингдек, Кашмирда “Пари Маҳал” (Парилар саройи) боғини барпо эттиради.

Шаҳдхонободда Алимарлонхон ариғини қаздириб, нақшинкор ҳовуз барпо эттиради.

Ақл-идрокли малика адабиёт шайдоси бўлиб, ғазаллар ҳам машқ қилган. Манбаларда Жаҳон Оро бегим “Рисолаи соҳибия” (Дўстлик ҳақида рисола) асарининг муаллифи экани қайд этилади.

Аврангзеб Оламгир замонидан салтанатда ҳар хил келишмовчиликлар юзага келади. Саройдаги бу можаролар ва дўстлар орасидаги низолар Жаҳон Оро бегимни қаттиқ изтиробга солади. Шу воқеалар сабаб малика салтанат ишларидан воз кечиб, хаста отасининг хизмати-ни қилади. 1666 йили Шох Жаҳон суюкли қизи қўлида ҳаётдан кўз юмади.

Жаҳон Оро бегим шох қизи бўлса-да, камтар ва ҳимматли эди. Олтмиш етти ёшида вафот этган малика (1681 йили) Дехлидаги Зарзари Бахш қабристонига дафн қилинади.

Тошкент Ислом  
институти талабаси  
**Муқаддас МИРЗАЕВА**  
“Темурий маликалар”  
китоби асосида тайёрлади.





# БРИТАНИЯ КУТУБХОНАСИ

Лондондаги Британия кутубхонаси Бирлашган Қиролликнинг фахри ҳисобланади. Ушбу миллий кутубхона дунёдаги энг қадимий ва катта китоб хазиналаридан биридир. 1753 йили Ханс Слоун ўрта асрларга доир инглизча, лотинча қўлёзмаларни йиғишга киришади. Шу асосда кутубхонага тамал тоши қўйилади. Эдуард IV ва Георг II ҳам бу ишга ҳисса қўшган. 1823 йили Георг III хазинани олтимиш беш минг китоб билан бойитди. Ўқув зали 1850 йили очилган.

Ҳозир кутубхонада бир юз эллик миллиондан ортиқ нусхада қадимий китоб, харита, газета, журнал, қўлёзма, нақш, расм, мусиқа ёзуви, марка, тарихий ҳужжат ва ҳоказолар сақланади. Жаҳон тилларининг деярли ҳаммасида битилган нодир асарлар бор. Кутубхона дунёнинг турли бурчакларидан мунтазам китоб харид қилади, ҳар йили хазинаси уч миллион нусхага кўпаяди.

Бу ерда қадимий халқлар тарихи ва маданиятига доир икки минг йиллик тарихга эга асарлар бор. Қуръони

каримнинг кийик терисига кўчирилган варақлари кутубхонанинг энг ноёб дурдоналаридандир.

Кутубхонага илгари фақат сиёсий арбоблар ва олимлар киритилар эди. Энди паспорт кўрсатилса бас, ҳамма хоҳлаган адабиётдан фойдаланиши мумкин. Зараридан сақланиш мақсадида ручка ман этилган, фақат қалам ишлатиш мумкин. Бир кунда ўн олти минг ўқувчи ташриф буюради. Бюджети бир юз қирк миллион беш юз минг фунт стерлинг. Ҳозир кутубхона раҳбари Линн Бридли. Бир минг тўққиз юз етмиш етти нафар ходим хизмат қилади.

Кутубхона имкон қадар янги технологиялар асосида ишлашга ҳаракат қиляпти. Ҳозир адабиётлар тўпламларини архивлаштириш, нусха олиш ва интернетга киритиш лойиҳаси устида ишланмоқда. XVIII–XIX асрларга тегишли қирк минг китобнинг электрон нусхалари тайёр бўлган. Улар ичида романлар, диний ва тарихий ҳужжатлар ҳам бор. Китобларнинг электрон нусхаси-

дан фойдаланиш учун ойига бор-йўғи икки фунт стерлинг тўланади.

Кутубхона илгари Британия музейи ичкарасида эди. 1998 йили Сент-Панкраси мавзеидаги янги бинога кўчирилди. Бинонинг майдони бир юзу ўн икки минг квадрат метр. Ерости қаватлари чуқурлиги йигирма тўрт ярим метр. Ўн тўрт қаватли бинонинг беш қавати ер остида. Қурилишига ўн миллион дона ғишт ва бир юз саксон минг тонна семун кетган. Бино ўртасидаги ойнаванд устунда энг нодир китоблар сақланади. Ўқувчилар ушбу ойнали устун атрофидаги айлана залда мутолаа қилади. Олинаётган китоблар ташқаридан яққол кўриниб туради.

Қўлёзма ва босма китоблар, газета ва журналлар тўпламлари кўп келтирилаётгани боис Англия шимолидаги Йоркшир мавзеида кутубхонанинг янги бўлими қуриляпти.

Азиз ҲАКИМОВ  
тайёрлади.



**Т**отувлик, аҳил-иноқлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат. Иккинчи жаҳон уруши йиллари халқимиз минглаб бошпанасиз болаларни бағрига олди. Советлар сиёсати туфайли юртидан сургун қилинган қанчадан-қанча одамлар бу заминдан бошпана топди.

# АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Ўзбекистон кўпмиллатли давлатлар қаторига киради. Юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. 1992 йили ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази ўзига ҳос дўстлик уйига айланган. Бу маскан Ўзбекистондаги миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

Асосий Қонунимизда ҳам бошқа миллат вакилларининг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган: “Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” (*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 4-модда*).

Зеро, Юртбошимиз маърузаларидан бирида: “Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамкорликдир”, дея таъкидлаганлар.

Юртимизда турли миллат вакилларининг тили, маданияти ва урф-одатларини авайлаб асрашга ҳамда ривожлантиришга хизмат қиладиган миллий-маданий марказлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

1989 йили ўнга яқин миллий-маданий марказ фаолият кўрсатган бўлса, 1995 йилга келиб, улар сони етмишга, 2000 йилда эса 100 тага етди. Ҳозир мамлакатимизда 140 дан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг эшиклари барча миллатдаги юртдошларимиз учун очикдир.

Бундай юксак даражадаги эътибор натижасида халқларнинг бой тарихий-маданий мероси қайта тикланди, кадр топди. Барча миллат вакилларининг давлат бошқаруви, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этиши кафолатланди. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларимизда таълимни етти тилда олиб бориш йўлга қўйилгани, кўп сонли миллатлар тилида газет-журналлар чоп этилаётгани, радио ва теледастурлар эфирга узатилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Яқинда республикаимизда Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари давлатимизнинг фахрий

унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Қиримтатар халқининг атоқли фарзанди, Украина Қахрамони, Қирим давлат индустриал-педагогика институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Февзи Ёқубов бундай деб ёзади: "...Эзгулик, тинчлик, яқинларга меҳр-муҳаббат туйғулари борасида гапирадиган бўлсак, албатта, биринчи қаторга Ўзбекистонни ёзиш зарур. Агар инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва мамлакатларга баҳо бериладиган бўлса, шубҳасиз, энг юксак баҳога ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлар эди".

Оврупада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг оз сонли миллатлар бўйича олий комиссари Кнут Воллебек Байналмилал маданият марказида бир неча бор меҳмон бўлган. Ўзбекистонда оз сонли миллат вакилларига ўқиш, ўз маданиятларини ривожлантириш борасида яратилган шароитларни кўриб, бу тажрибани бошқа давлатларга ҳам ёйиш керак, деган фикр билдирган. Жаҳонда миллий-этник муносабатлар мураккаблашиб, энг илғор давлатларда ҳам оз сонли миллат вакиллари камситиш ҳолатлари кузатилаётган бир пайтда, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаётган Ўзбекистон чиндан ҳам бошқаларга намуна бўлишга арзийди.

Ватан тараққиёти йўлида тинчлик ва барқарорликни сақлаб, мамлакат Конституциясида мустақамланган кафолатлардан фойдаланиб, бир оила фарзандлари каби қўлни қўлга бериб яшаш ва меҳнат қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ,**

*Республика Байналмилал маданият маркази директори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими*

## ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Ҳадиси шарифларда кишиларнинг яхшиси эл-юртга кўпроқ фойда келтирувчиси экани айтилган. Зотан, тадбиркорлар сабаб қанча-қанча одам ишли бўлиб, рўзғорига барака қиради. Истиқлол йилларида ишбилармонларга кенг йўл очилди. Бу соҳага берилаётган эътибор, яратилган қулай шароитлар натижасида йилдан-йил иқтисодиётимиз жадал ривожланмоқда.

Ўтган йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", деб эълон қилингани ҳамда махсус дастур бўйича улкан ишлар амалга оширилгани ушбу йўналиш ривожини янги босқичга олиб чиқди. Президент соврини учун ўтказиладиган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танлови эса ишбилармонларга янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бу йилги кўрик-танловда етти мингдан ортиқ тадбиркор, фермер ва хунарманд қатнашди. Ви-



лоят босқичида ғолиб бўлган иштирокчиларнинг қирқ бир нафари кўрик-танловнинг мамлакат босқичида беллашдилар. Танлов ғолиблари аниқланишидан олдин пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Ўтгизинчи март куни "Туркистон" саройида танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

"Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича Жиззах вилоятидаги "Жиззах – Кўҳинур" хусусий корхонаси раҳбари Холисхон Бобоева, "Энг яхши фермер" йўналишида Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги "Бахт" фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров, "Энг яхши хунарманд" йўналишида эса Фарғона вилояти Риштон туманилик хунарманд Мирзомасхар Ақромов биринчи ўринга муносиб – ғолиб деб топилди.

Ғолибларга Президент совринлари – "Spark" автомобиллари ва бошқа мукофотлар топширилди.

**Муҳаммад СИДДИҚ**